

ISBN 978-9943-4622-8-1




9 789943 462281

«QARAQALPAQSTAN»

ПАШИЕВА ГУЛАНДОМ

ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИНИ
КИЁСИЙ ЎРГАНИШ
УСУЛЛАРИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
АЖИНИЁЗ НОМИДАГИ НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ

ПАШИЕВА ГУЛАНДОМ МИКИЕВНА

ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИНИ ҚИЁСИЙ ЎРГАНИШ УСУЛЛАРИ

(Рисола)

НУКУС
«QARAQALPAQSTAN»
2016

Ушбу рисолада туркий халқлар фольклорида кенг таркалган «Шахриёр» дostonининг қорақалпоқ версияси билан Хоразмда таркалган қўлёзма ва оғзаки вариантлари киёсий-типологик тахлил этилади.

Сюжет ва образлардаги умумийлик ва миллий алохидаликлар ёритиб берилади. Шунингдек, дoston бадииятидаги ўзаро ўхшашлик ва ўзига хослик масалаларига эътибор қаратилади.

Рисола адабиётшуносларга, фольклоршуносларга, олий ўқув юртлири филология ихтисослиги бўйича таълим олаётган бакалавр ва магистр талабаларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

С.Р.Рўзимбоев — филология фанлари доктори, профессор.

Таъризчилар:

К.Алламбергенов — филология фанлари доктори, профессор.
Ҳ.Абдуллаев — филология фанлари номзоди, доцент.

Рисола Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти ўқув-методик Кенгашининг қарорига асосан нашр этилди.

ISBN 978-9943-4622-9-8

© «Qaraqalpaqstan» нашриёти, 2016.
© Пашиева Г, 2016

КИРИШ

Хар бир миллат ўз тарихига эга бўлганлиги сабабли хусусий эпосига ҳам эгадир.

Эпос мураккаб жанр. Ундаги воқеаларнинг аудиторияга етказилиши бир қанча омилларни ўзида мужассамлаштиради. Дарвоқе, дostonда куй, қўшиқ ва бадиий нутқнинг бирга намоён бўлиши, асардаги бадиий эстетик таъсирчанликни юксак даражага кўтаради ва тингловчилар нуфузини кенгайтиради. Шу жараёнда дostonлар устоздан шогирдга ўтиб ўз халқи орасида ва лозим бўлганда бошқа халқлар фольклоридан ҳам ўрин олади.

«Қаҳрамонлик эпосининг эртақлардан фарқи шу ердаки, у эртақ каби бир халқдан иккинчисига дарҳол ўзлашиб кета бермайди. Чунки эпосда халқ тарихи идеаллаштирилган бўлади»¹.

Шу сабабли хар қандай эпос бир халқ ижодидан иккинчисига зарур шарт-шароитлар мос келгандагина ўтиб, оммалашади. Бунинг учун эпос шаклланган халқнинг ҳудуди ўзаро яқин ва турмуш тарзи ўхшаш бўлиши лозим.

Хоразм воҳасида кўплаб халқлар биргаликда қадимдан яшаб келишган.

«Бу воҳа қатор қардош халқлар-ўзбеклар, туркманлар, қорақалпоқлар, тожиклар, қисман қозоқлар маданиятининг манбаидир. Бир қанча республика вилоятлари чегарадош бўлган бу жой аҳолиси кўп тиллилиқ характерига эга. Бу ерда айтувчи ижрочи аудиторияга қараб ўзбекча, туркманча ёки бошқа тилда куйлай олади»².

Дарҳақиқат, қорақалпоқ миллатига мансуб Мусо баҳши ўзбек, туркман, қорақалпоқ тилларида дoston ижро қилган³.

Қолаверса, бу воҳада бахшиларнинг устоз-шогирдлик аъёнаси ҳам ўзига хослик қасб этади. Масалан ўзбек Эшвой бахшига шогирд бўлган туркман фарзанди Суяв бахши ўз навбатида Жумамурод бахши, Болта бахши каби туркман, Аҳмад бахши, Отажон бахши

¹ Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведение. Л.: Наука, 1979. -С. 190.

² Карриев Б.А. Эпические сказания о Кероглы у тюркоязычных народов. -М.: Вост. Лит. 1968. -С. 216.

³ Ошикнома, 4-китоб, Урганч, «Хоразм», 2009. -Б.333.

каби ўзбек, Жапак баҳши каби қорақалпоқ баҳшиларини тарбиялаб етиштирган¹.

Мана шу омилларнинг барчаси воҳада эпик анъаналарнинг ўзаро яқинлашуви ва репертуар алмашувнинг жадаллашишига олиб келган. Натижада энг севимли дostonлар барча миллатлар орасида фаол тарқалган.

Ўзбек ва қорақалпоқ баҳшилари репертуаридаги муштаракликларни ҳам ўша нуктаи назардан изохламоқ лозим.

Тўрткўллик Курбонбой жиров репертуари ушбу фикримизга далил бўла олади².

«Шаҳриёр» дostonининг қорақалпоқ жировлари репертуарига кириб келиши ҳам воҳадаги эпик анъаналарнинг ўзаро таъсири натижасидир.

Таникли қорақалпоқ олими И.Т.Сағитов қорақалпоқ дostonларини тасниф қилар экан, «Шаҳриёр» дostonини ҳаёлий эртақлар асосида пайдо бўлган, дея таъкидлайди³.

Бинобарин, ушбу сюжет дастлаб афсона, ривоят, эртақ шаклида оммалашган бўлиши мумкинлиги тўғри. Бироқ, ўша жанрлар замирида китобий дoston сифатида шаклланганлигини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Чунки, ҳар қандай афсона, ривоят ёки эртақ, қўлёзма нусхадаги дoston шаклига ўтгандан кейингина қиссаҳонлар репертуарига ўтиб, зиёлилар аудиториясига ёйилади. Шундан кейингина баҳшилар уни қайта ишлаган ҳолда ўз репертуарига киритиши мумкин.

Албатта бу жараён узок даврларни ўз ичига олади. Айниқса қўлёзма нусха дostonлар сюжетини оғзаки вариантга ўтиши баҳшидан юксак истеъдод ва бадеҳағўйликни талаб қилади.

Қорақалпоқ дostonчилигида қиссаҳонлар катта ўринни эгаллайди. Таникли фольклоршунос Қ.Айимбетов ўз тадқиқотларида йигирмадан ортиқ қорақалпоқ қиссаҳонлари ҳақида маълумот бериб ўтади⁴.

Атоқли олим «Шарьяр» дostonи ҳақида сўзлар экан, «Бу дostonни кўшни халқлар дostonлари билан қиёсий тарзда тадқиқ қилиш зарур»⁵, дея таъкидлайди.

¹ Ўша манба, 332-333-бетлар.

² Мадрохимова Н.Я. «Ширин билан Шакар» дostonининг қиёсий-типологик таҳлили (Ўзбек ва қорақалпоқ версиялари асосида) Филология Фан. Номзоди дисс. Автореферати. Т.: 1996. (27)

³ Сағитов И.Т. Қарақалпақ халқының қаҳарманлық эпосы. Нөкис, «Қарақалпақстан», 1986. -Б.38 (347)

⁴ Айимбетов Қ. Халық даналығы. Нөкис, «Қарақалпақстан», 1988. -Б.103.

⁵ Ўша манба, 104-бет.

Қ. Айимбетовнинг бундай таъкидлаши бежиз эмас. Чунки ҳар қандай дostonнинг генезисини аниқлаш уни қиёсий ўрганишни тақозо қилади.

Бу фикрни ўтган асрнинг ўрталарида В.М.Жирмунский ва Х.Т.Зарифовлар ўзбек эпосига нисбатан ишлатган эдилар: «Ўзбек халқ эпосининг келиб чиқиш даври, ўрни ва шарт-шароитлари масаласи ҳақида тўла аниқланганича йўқ. Бу масалани ҳал қилиш учун бир томондан туркий халқларнинг, энг аввало Ўрта Осиёда яшовчи туркий халқларнинг эпик асарларидаги сюжетлар, мотивлар, образлар ва услуб масалаларини кенг доирада қиёсий ўрганиш зарур. Иккинчи томондан эса, ўзаро яқин бўлган фольклор асарларини, айниқса халқ эртақлари ва халқ китобларини қиёсий таҳлил қилиш лозим»¹.

Ушбу омилларнинг ҳам дostonларни қиёсий ўрганиш масалаларини, хусусан халқ китобларининг дostonчилиқдаги ўрнини белгилашда уларни эртақлар билан қиёслашни таклиф қилаётганликлари тадқиқотчиларда муайян қизиқиш туғдиради. Чунки, халқ китобларининг анчаси генезис жиҳатидан эртақларга бориб тақалади².

Шу жумладан, «Шаҳриёр» дostonи ҳам афсона, ривоят ва эртақлар билан узвий алоқага эгадир. Шу сабабли уни қиёсий -типологик аспектда ўрганиш кўпгина муаммоларни ойдинлаштиришда муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

«Шаҳриёр» дostonи туркий ва туркий бўлмаган қўллаб халқлар фольклорида фаол тарқалган. Мазкур дoston Хоразм воҳасида айниқса машҳурдир. Шу сабабли Хоразмда тарқалган оғзаки ва қўлёзма нусхалардаги сюжет ва мотивлар қорақалпоқ версиясидаги воқеаларга кўпроқ ўхшаш келади.

Биз сўз юритаётган ҳар иккала версия хусусида бир канча тадқиқотлар эълон қилинган³.

Дostonнинг хонқалиқ Сўна халфа бисотидаги қўлёзма нусхаси нашр қилинган⁴.

¹ Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. -М.: ГИХЛ, 1947. -С.447.

² Эгамбердиева Г.М. Эртақ тип сюжетли Хоразм дostonлари поэтикаси. Филол. Фан. Намз. Дисс. Автореферат. -Т.: 2005. (22)

³ Қаранг: Нурмухамедов М.К. Сказки А.С.Пушкина и фольклор народов Средной Азии. -Т.: Фан, 1983 (50); Абдуллаев Х. Халқ дostonлари ва уларнинг вариантлари. -Т.: «Ўқитувчи», 1984. (122); Узбекские варианты дастана «Шаҳриёр». // Вестник КК филиала АН РУз. -Нукус, 1983, №2, -С. 76-78.

⁴ Ошикнома, II китоб, Урганч, «Хоразм», 2006. -Б. 343-431;

«Шахриёр» достони Хоразм воҳасида. Хусусан, Хоразм ўзбеклари ва қорақалпоқ халқлари орасида қадимдан машҳур ва манзурдир. Бу дostonнинг генезиси, тарқалиш ареали, ижрочилари, афсона ва эртақ вариантлари хусусида кўпгина олимлар қимматли фикрлар билдиришган. Ўз навбатида бу сюжетнинг ўзбек ва қорақалпоқ версиялари, уларнинг ўзаро алоқаси борасида ҳам анчагина тадқиқотлар амалга оширилган.

Ана шундай тадқиқотлардан бири М.К.Нурмухамедов қаламига мансубдир. Таниқли адабиётшунос олим «А.С.Пушкин эртаги ва Ўрта Осиё халқлари фольклори» китобида «Шахриёр» достони сюжети билан алоқадор кўлаб тадқиқотларга муносабат билдиради.

М.Нурмухаммедовнинг таъкидлашича, ўтган асрнинг 50-йилларида Хоразм археологик-этнографик экспедициясининг аъзоси Г.П.Снесарев Хоразм вилояти Шовот туманида яшовчи 52 яшар Юсуфжон эшондан Пушкиннинг «Шох Салтан ҳақида эртақ» асари сюжетиға жуда яқин бўлган битта афсона ёзиб олади. Г.П.Снесарев бу афсонанинг илдири А.С.Пушкин эртаги сюжетиға асос бўлганлиги шубҳасиз, деган тўхтамға келади ва рус фольклоршуноси Е.Аничкованинг Пушкин эртаги сюжети илдирилари юнон мифологиясига алоқадор деган фикрини рад қилади.

М.Нурмухаммадов Г.П.Снесаревнинг ушбу фикрини қўллаб-қувватлайди ва ўз китобида бу гоёни тўла-тўқис исботлаб беради¹. Ўз навбатида ушбу сюжетнинг X-XII асрларда Хоразм орқали Шарқий Европаға ўтганлигини далиллайди.

Ғалатли адабиётшунос олим қорақалпоқ фольклоридаги «Шаръяр» эпосининг шаклланиши ва эволюцияси, унинг ижрочилари ҳамда ноширлари, мазкур сюжетнинг эртақ вариантлари хусусида ҳам ушбу фундаментал тадқиқотида ҳолис, дадил, асосли фикрларни қайд қилган.

«Шахриёр» дostonининг қорақалпоқ версияси ҳақида яна бир эътиборға лойиқ тадқиқот Қ.Мақсетовға тегишлидир. Таниқли олимнинг «Шаръяр» дэстаны туўралы² мақоласи фикримизнинг далилидир. Фольклоршунос олим ўз мақоласида асарнинг кўлаб халқлар ижодида эртақ ва дoston сифатида тарқалгани, унинг XVIII-XIX асрлардаги турли босма нусхалари, қорақалпоқ жировлари

¹ Нурмухамедов М.К. Сказки А.С.Пушкина и фольклор Средней Азии. -Т.: Фан, 1983. -С.6-7.

² Мақсетов Қ. Дэстанлар, жыраўлар, баксылар. Нөкис, «Қарақалпақстан», 1992. -Б.62-136.

репертуарига ўтиб сюжетнинг эволюцияға учраши, асар хусусида А.Пахратдинов ва И.Сағитовлар томонидан ёзилган тақризларнинг илмий қиммати ҳақида батафсил сўз юритади. Ўз навбатида тадқиқотчи дostonни маиший мавзудаги асар сифатида баҳолаб, унинг сюжети А.С.Пушкин асари билан таққослаган ҳолда ўрганади. Шунингдек ушбу сюжетнинг турк халқ эртаги «Дил рўкаш» қозоқ халқи орасида тарқалган «Мунглик ва Зорлик» эртақлари билан ўхшашлигини қиёсий тарзда таҳлил қилади.

Мақолада асарнинг Ўтаниёз жиров, Қиёс жиров, Есемурат жиров, Абдирейим жиров, Қуламат жиров ва Жумабой жиров вариантларининг ўзига ҳос томонларини таъкидлаб кўрсатади. Сўнгра дostonнинг композицияси, анъанавий мотивлари, образлари, асар конфликти ва бадиияти ҳақида эътиборли фикрларни қайд қилган.

Қ.Мақсетов «Шаръяр» дostonининг илдири ёзма нусхаларға алоқадор деган асосли фикрға келади. Бу деган сўз эпосни Хоразмдаги қадимий китобий нусхалар билан узвий боғланишға эға эканлигини исботлайди.

«Шахриёр» достони билан қорақалпоқ эпоси «Шаръяр» нинг ўзаро алоқаси масаласида Х.Абдуллаевнинг тадқиқотлари ҳам диққатға сазовордир¹.

Х.Абдуллаев ўз тадқиқотида «Қиронхон-Шахриёр» ҳақидаги дoston вариантлари хусусида сўз юритиб, «Шахриёр» сюжетининг ўзбек бахшилари репертуаридаги «Соҳибқирон», «Ойпарча», «Қиронхон», «Дурапшо», «Чорёр», «Қорақўзойим» каби дostonлардаги саргузаштларни типологик ўрганиб, уларни «Шаръяр» сюжетиға таққослайди. «Муштарак сюжет ва мотивлар». «Образлар типологияси», «Поэтик ўзигаҳослик қирралари» каби сарлавҳалар остида қизиқарли мунозара юритади. Асар генезисини аниқлашға ҳаракат этади.

Тадқиқот муҳим муаммоларни ечишда муҳим манба сифатида қимматлидир. Шу билан бирға айрим баҳсталаб ўринлар ҳам бор. Масалан, тадқиқотчи «Шахриёр» сюжетини туркий халқларнинг оғзаки афсона ва ривоятларидан ахтаради. Ҳолбуки, «Шахриёри олам» номли қўлёзма вариант муқаддимасида «Яман вилоятида подшо Дарапшо бўлиб, қаёнийлардан эди» деган жумла бор. Бу жумла асарни «Шохнома» билан боғлайди. Қолаверса, М.Нурмухамедов ва Қ.Мақсетовлар асар сюжетининг ёзма манбаларға дахлдор эканлигини тўла асослаб беришган.

¹ Абдуллаев Х. Халқ дostonлари ва уларнинг вариантлари. -Т.: «Ўқитувчи», 1984. -Б.6-64.

Бу муаммо Х.Хомидовнинг «Бокий бўстон таровати» китобида яна ҳам асосли равишда хал этилган¹.

«Шаҳриёр» достони, унинг бошқа туркий халқлар версиялари билан алоқаси масаласига оид фикрлар фольклоршунос С.Р.Рўзимбоев тадқиқотларида ҳам кўзга ташланади.

Олимнинг таъкидлашича, Хоразм минтақасида «Шаҳриёр» сюжети тарқалиши «Авесто» қадар қадимийдир. Сюжет таркибидаги мотивлар қадимданок маҳаллий халқ орасида эртак, афсона ва ривоят шаклида оммалашиб келган. «Авесто» таъқиқлангач, ушбу сюжет «Шохнома» воситасида иккинчи умрини бошлаган. XVII асрларга келиб достоннинг ёзма нусхалари оммалашган. Ўша нусхалар достоннинг турли оғзаки вариантларининг шаклланишига замин яратган². Чунки бу ёзма нусхалар қиссахонлар воситасида халқ орасида тарғиб қилинган. «Қиссахонлар репертуаридаги достонларни тинглашга бахшилар ҳам келишган. Саводсиз бўлган бахшилар достон матнларини ёд олиб, ўзига хос қайта ишлашлар орқали, уларни янада кенгроқ аудиторияга ёйганлар³.

Ушбу фикрлар достоннинг қорақалпоқ версиясининг илдизи ҳам ёзма нусхалар билан алоқадор деган фаразни тасдиқлайди.

«Шаҳриёр» достонининг Хоразмда нашр қилинган нусхаси асосида лингвистик тадқиқот ҳам амалга оширилган⁴.

Тадқиқот достоннинг тил хусусиятларини текшириш асносида матндаги лингвопоэтик воситалар ҳам атрофлича таҳлилга тортилган. Достон лексикасида форсий, арабий сўз ва сўз бирикмаларининг фаол ишлатилиши алоҳида қайд қилинган. Шу билан бирга ундаги туркий қатламнинг асос бўлиб хизмат қилганлиги тўла исботланган. Аксарият ҳолларда туркий сўзлар М.Кошғарийнинг «Девону лугатит турк» асаридаги сўзлар билан қиёсий тарзда ўрганилган.

Достон тили, образлар талқини асарнинг йирик олимлар

¹ Хомидов Х. Бокий бўстон таровати. -Т.: Ф.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986.

² Қаранг: Рўзимбоев С. «Шаҳриёр» достонининг ўзбекча қўлёзма варианты ҳақида. // Адабий мерос. -Т.: 1981. №2. -Б.81-84; Яна ўша. Ўзбекские варианты дастана «Шаҳриёр» // Вестник КК филиала АН РУз. Нукус, 1983, №2. -С.76-78; Яна ўша. Эртақларнинг достонлардаги бир функциясига доир. // Адабий мерос. -Т.: 1989, №2. -Б.70-73 ва бошқалар.

³ Карриев Б.А. Эпические сказания о Кероглы у тюркоязычных народов. -М.: Вост. лит., 1968. -С.128.

⁴ Қаранг: Рўзимбоев С.С. Жанубий Хоразм достонлари тилининг луғавий-маъновий таҳлили («Шаҳриёр» ва «Маликаи Завриё» достонлари асосида) Филол.фан номзоди дисс. Автореферати. -Т.: 2000. -С.27.

таъкидлаганидек, XVI-XVII асрларда тўла шаклланганлигини, дастлаб қўлёзма тарзида оммалашиб, кейинчалик бахшилар репертуарига ўтганлигини тасдиқлайди.

«Шаҳриёр» достонининг сюжети ва образлари типологияси, улардаги умумийлик ва миллий алоҳидаликлар.

Ўз таркибида мифологик эпизодлар ва эртак мотивларини энг кўп саклаб қолган, халқ орасида қадимдан машҳур бўлиб келаётган эпик асарлардан бири «Шаҳриёр»дир. Бу достон ўзбек халқи орасида «Қорақўз ойим», «Одилхон», «Соҳибқирон», «Ойпарча», «Дурапшо», «Шаҳриёр» каби номлар остида достон ва эртак шаклида жуда кенг оммалашгандир. Ушбу сюжет асосида яшаб келаётган эртак ва достонларга эга бўлган халқларнинг сони жуда кенг қўламни ташкил қилади. Профессор К. Максетовнинг ёзишича, бу асар турк, осетин, қозок, туркман халқлари орасида ҳам турли номлар билан достон ёки эртак шаклида учрайди¹.

Достоннинг турли вариантларида асар қаҳрамонлари турли исмлар орқали тилга олинади, ранг баранг географик атамалар ишлатилади. Лекин уларга асос бўлган воқеа бу асарларни ягона сюжет атрофига бирлаштиради.

Ўзбекча нашр қилинган вариантлардан бири «Қорақўз ойим» достони бўлиб, у Хоразмлик бахши Матназар Жаббор ўғлидан ёзиб олинган². Асарнинг ҳажми жуда кичик бўлиб, достон анъанавий муқаддима-уч опа-сингилнинг қўшиқ айтиб ўтиришлари ва уларга шикорга чиққан Дарапшонинг дуч келиши воқеаси билан бошланади. Бу қизлар суҳбатидан огоҳ бўлган Дарапшо ўғил туғишга ихлосманд бўлган кичик қиз Қорақўз ойимни хотинликка олади. Бу воқеадан кейин икки фарзанднинг дунёга келиши, кундошларнинг шафқатсизлиги, болалар ўрнига қўйилган кучук ва мушук, Қорақўз ойимнинг саройдан ҳайдалиши ҳақида сўз юритилади.

Бу вариантда ҳаракат қиладиган асосий қаҳрамонлар Шорёр ва унинг синглиси Сафарёрдир. Улар кўпгина саргузаштлардан кейин ўз ота-оналари билан қовушади. Асарда қисқа бўлса-да, булбулигўё, оқ ва қора аждарлар воқеаси ҳам тилга олинади.

Достоннинг ушбу оғзаки варианты Хоразмдаги бошқа бахшилар репертуарида учрамайди. Шу жиҳатдан қараганда Матназар бахши

¹ К. Максетов, Қарақалпоқ фольклори, Нукус, «Қарақалпоқстан», 1979, 289-бет.

² Қорақўз ойим, Тошкент, «Фан», 1967.

репертуаридаги бу вариант ягона оғзаки нусха бўлишлиги билан маълум кимматга ҳам эга. Бирок, асар ўз хусусиятлари, тасвир усули, шеърӣй шакллари билан Хоразм дostonларига хос бўлган анъанавий услубдан четга чикиб, Самарканд дostonчилиги услубини ўзида мужассамлаштиради. Яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, асарнинг бош қаҳрамони бўлган Шорёр исмини бу вариантда шўр ер-шўрхоқ ерга нисбат берилиши ҳақиқатдан йирокдир.

Ушбу сюжет асосига қурилган ўзбек дostonларидан яна бири «Одилхон»дир. Асарда подшонинг исми Одилхон, Шаҳриёр-Киронхон, унинг сингlisi Корасоч, уларнинг онаси бўлмиш кизнинг исми эса Бўтакўз тарзида берилади.

Бу дostonдаги сюжет маълум ўзгаришларга учраган. Унда кўпроқ чорвадорлар ҳаётига оид бўлган воқеалар кенг кўламни ишғол қилади. Худойкул подачининг кизлари қалини эвазига мол талаб қилиши, кичик киз-Бўтакўзнинг тоққа ташланган фарзандларини она кийикнинг эмизиб юриши, гилам тўкиш билан боғлиқ эпизодлар фикримизга далил бўла олади. Шуниси характерлики бошқа вариантларда асосий урғу бериладиган булбулигўё билан боғлиқ воқеалар бу вариантда мутлақо йўқ. Корасоч образи анча пассив даражада берилган. Унинг акасини топиш учун қилган ҳаракатлари кўпроқ ойнаи жаҳон зиммасига юкланади. Янгидан боғ барпо қилиш, мевали дарахтлар экиш каби дехқончилик, боғдорчиликка оид эпизодлар бу дostonда йўқ. Бу албатта дostonнинг тарқалган географик ўрни билан чамбарчас боғлиқдир.

Дostonнинг нашр қилинган яна бир варианты «Соҳибкирон»дир¹. Фольклоршунос С. Шодиевнинг таъкидлашича, ҳажман кенглиги, деталларнинг атрофлича кўп ишлатилиши, бадиий камолоти билан «Соҳибкирон» дostonининг ўзбек версияси бошқа версияларидан устун туради².

Бу дostonда Шаҳриёр-Соҳибкирон, унинг сингლისининг исми Соҳибкамол, уларнинг онаси-Бўтакўз тарзида талкин этилади. Ушбу вариантга анчагина ўзгаришлар, янги эпизодлар киритилганлигидан қатъий назар у ўз мазмуни билан «Одилхон» га жуда яқин.

Дostonнинг «Ойпарча» номи билан тарқалган варианты ҳам нашр қилинган³. Бу вариантда подшонинг исми Шониёз, у уйланадиган

кичик кизнинг исми Ойпарча, Шаҳриёр-Соҳибкирон, унинг сингლისининг исми Соҳибжамол деб берилади¹.

Бу асардан ташқари турли номлардаги бошқа дostonлар ҳам мазкур сюжетни у ёки бу даражада ўз ичига қамраб олади. Асар вариантларининг тарқалиши ҳудуди уларнинг мазмунига маълум миқдорда маҳаллий муҳит таъсирини ўтказишга улгурган.

«Шаҳриёр» дostonи сюжети туркман фольклорига ҳам бўлиб, у мазкур халқ орасида эртақ шаклида ёйилган. Эртақнинг номи «Галандар солтан»² деб юритилади. Бу эртақ ҳам уч кизнинг суҳбатидан бошланади. Уларнинг суҳбатларидаги кўтарилган масалалар ўзбекчадаги дoston вариантыда кўтарилган масалалардан фарқ қилмайди. Бирок, бу ерда уларнинг суҳбатини подшонинг ўзи эмас, балки унинг ўғли тинглайди ва кизларни отасининг саройига келтириб, хотинликка олади. Кичик киздан бир ўғил ва бир киз туғилади.

Бу вариантда болалар қудукка ташланади. Уларнинг онаси эса ўлдирилади. Болаларни бир чол топиб олиб тарбия қилади. Улар жуда зехнли ва хуш овоз кўшиқчилар бўлиб етишишади. Уларнинг овозаси ўз оталари бўлмиш подшоҳга ҳам етиб бориб, болалар саройга таклиф этиладилар. Уларнинг оналарини ўлдирган аёллар болаларни таниб, уларни яна йўқ қилиш пайига тушадилар. Бу масалада кундошлар бир кампирни ёллаб, Галандарни дастлаб қирқта асов от яшайдиган жойга юборадилар. Галандар бориб, у отларни келтиргач, бу вариантда ҳам булбулигўё масаласи ўртага қўйилади. Галандар булбулигўёни келтиришга кетиб, у ёқда тошга айланиб қилади. Уни узоқ кутган сингlisi Қалдирғоч акасини излаб йўлга тушади. У акасини топиб, булбулигўё билан биргаликда ўз юртларига қайтишади.

Улар ўз эллариغا келгач, подшони меҳмонга таклиф қилишади. Подшо келганда унинг отининг тўрвасига ем ўрнига тош тўлдирадилар. Подшо бу аҳволни кўриб, таажжубланганда унга булбулигўё: подшоҳим, инсон кучук билан мушук туғди деган сўзга ажабланмадингиз, энди нега сиз от тош ейди, деган сўзга таажжубланасиз, деб уни мот қилади.

Шу воқеадан кейин, бу ишнинг сабабчилари жазоланиб, ота-болалар бир-бири билан топишади. Галандар отасининг ўрнига тахтга ўтиради.

¹ Қаранг: С.Шодиева «Ойпарча» дostonи, «Адабий мерос» тўплами, Тошкент, 1981, №4, 43-47-бетлар.

² Туркмен халқ эртекилери, II том, Ашгабат. «ЫЛЫМ» -1979.

¹ «Соҳибкирон», Тошкент, «Фан», 1964.

² С. Шодиева. «Соҳибкирон» дostonи ва унинг вариантлари. // «Ислом шоир ва унинг халқ поэзиясида тугган ўрни», Тошкент, «Фан», 1978. 40-бет.

³ «Ойпарча», Тошкент, «Фан», 1965.

Асар мазмуни айрим эпизодларнинг ўзгача берилганлигидан қатъий назар ўзбекча ва қорақалпоқча дoston вариантларидаги мазмунан жуда яқин. Фақат унда асардаги тафсилотлар қисқартирилиб, ихчам ҳолатга келтирилган.

Дostonнинг эртақ қилиб айтилиш ҳоллари халқ ижодида кўп учрайди¹. Албатта эртақлар аксарият ҳолларда дostonга қараганда қисқарок мазмунга эга бўлади. Шунинг учун ҳам ушбу эртақда Қаландар ва Қалдирғочларнинг образлари атрофлича очиқ берилиш имкониятига эга бўлмай қолган. Натижада асарда икки кундош ва мастон кампирнинг маккорлиги ҳақидаги гоё эртақдаги тасвирланган бошқа масалаларга нисбатан анча бўртиб кўринади.

Бу асарнинг дoston варианты туркман фольклорида ҳозиргача топилмаган.

Бу эртақ ва юкорида тилга олганимиз-барча дostonлар ҳам ушбу асарнинг қорақалпоқлар орасида «Шаҳриёр» номи билан тарқалган вариантга тўла равишда ҳамоҳанг келмайди.

Асарнинг ўзбек вариантлари орасида қорақалпоқ вариантга энг яқин келадиган вариант Сўна халфа вариантдир. Унда 2246 шеърий мисра ишлатилган. Дostonнинг тили аксарият ўринларда Хоразм сўзлашув тилига уйғун келади.

Куйидаги биз қорақалпоқ халқи орасида тарқалган дoston билан асарнинг ўзбекча версияни қиёслаганда Сўна халфа вариантга таянамиз.

«Шаҳриёр» дostonи қорақалпоқ жировларидан Есемурот, Ўтаниёз, Қиёс, Жумабой ва бошқа жировлар репертуаридан мустаҳкам ўрин олган. Бирок, 1939 йилда машхур қорақалпоқ шоири Амет Шомуродов томонидан ёзиб олинган. Бу вариант қорақалпоқ, ўзбек ва рус тилларида нашр қилинган². Ўзбек варианты билан қиёслаганда биз ана шу Қулават жиров вариантыга асосландик.

Бу вариантда шеърий сатрлар нисбатан кўп бўлиб, 4 минг мисрадан ошади. Ушбу дoston воқеалари ҳам бошқа вариантлардаги каби уч қизнинг суҳбати билан бошланади. Уларнинг биринчиси, агар подшо менга уйланса бир пилладан лашкарларининг барчасига чодир қилиб берар эдим, иккинчиси бир арпанинг донасидан лашкарларига овқат қилиб берар эдим, дейди. Учинчиси эса подшога ўғил ва қиз туғиб беришини айтади.

¹ В.М.Жирмунский. Х.Т.Зарифов, Узбекский народный героический эпос. Москва. ГИХЛ 1947, 24-бет.

² Каранг. «Шерияр», Нукус -1959. Сказание о «Шарьяре», Нукус, 1971. С.Северцев таржимаси. «Шаҳриёр», F.Фулом номли нашриёт, Тошкент. 1977. М.Али таржимаси.

Бу қизлар Алибой Донобой, Сарибой деган бойларнинг қизлари бўлиб, уларнинг суҳбатини шикорга чиққан Дарапшо эшитиб, эртасига қизларнинг отаси олдига Тўман вазирни совчи қилиб юборади.

Қўлёзма вариант ҳам худди шу воқеа билан бошланади. Лекин унда маълум фарқлар кўзга ташланади.

Қорақалпоқ вариантыда воқеа ўрни Нўғой юрти, ўзбекчада эса Яман вилояти деб кўрсатилади. Профессор Қобул Максетовнинг кўрсатишича, Ўтаниёз жиров вариантыда ҳам Яман вилояти тилга олинади¹. Фикримизча, Нўғой юрти атамаси кейинги даврларнинг махсули бўлса керак. Негаки, бошқа айрим вариантларда ҳам кўпроқ Яман вилояти ҳақида сўз юритилади.

Қулават жиров вариантыда қизлар чарх йиғириб ўтирган бўлса, ўзбекчада кашта тикиш билан машғул бўладилар. Бу эпизод маҳаллий халқнинг ҳаёт кечириш жараёнлари билан боғлиқ бўлиб, Хоразм ўзбеклари билан қорақалпоқларнинг ўзига хос ҳаётини машғулотларини тўғри акс этдиради.

Қизларнинг шартларида ҳам айрим ўзгаришлар бор. Ўзбек вариантыда биринчи қиз чодир ҳақида эмас, балки бир дон ариадан бутун лашкарларининг отига ем тайёрлаб берар эдим, дейди. Бу шарт ҳам дoston тарқалган жойдаги одат, қасб-хунар билан боғлиқ. Қадимдан ўтрок ҳаёт кечирган Хоразм ўзбекларида чодир тикиш одати анча илгари барҳам топган. Шу сабабдан бўлса керакки, бу шарт отларга ем бериш билан алмаштирилган.

Иккинчи ва учинчи қизларнинг шартлари иккала халқнинг варианты учун ҳам муштаракдир.

Ўзбекча вариантда подшонинг исми Доробшоҳ, вазирнинг исми Сархан, қизларнинг исми Гулстун, Гулистон ва Гулчехра, қизларнинг оталари савдогар, наздодбон тарзида келтирилади, фақат биттасининг исми Аждаргир деб кўрсатилади.

Қорақалпоқчада подшонинг исми қорақалпоқ сўзлашув тилига мослаб Дарапша ёки Шайи-Дарап, вазирнинг исми Тўман, қизлардан фақат кичигининг исми Гулшара деб таъкидланади, қизларнинг оталарининг исмлари Алибой, Донобой, Сарибой деб берилди.

Қулават жировда подшо қизларнинг учовини ҳам бир кунда тарозининг бир палласига уларни, бир палласига олтинни қўйиб хотинликка олади. Кейин уларга шартларини эслатади, икки қиз шартларни бажара олмагач, саройдан қувилади, Гулшара шартга

¹ Қарақалпоқ фольклори, Нукус -1979, 288-бет.

қўниб, саройда яшаб қолади. Гулшара хомиладор бўлгач, подшо унинг ёнига бир кампирни қўйиб, ўзи шикорга кетади.

Ўзбекча вариантда тўй ҳар бир қизга ўзбекларнинг тўй қоидалари, олиқ солиқлари асосида айрим-айрим ўтказилади; қалин пули, сарполар тўланади, созандалар, раққосалар хизматда туради. Бу вариантда олдинги икки қиз қувилмайди, балки улар ҳам подшо хотини бўлиб саройда яшаб қоладилар. Қорақалпоқ вариантыда Гулшара подшонинг тўққиз хотини ва уларга ёлланган мастон кампирдан жабр кўради. Ўзбекча вариантда Мастон кампир образи йўқ. Гулчехра барча жабрни икки кундошидан тартади. Доробшоҳ шикорга кетгач, Гулчехранинг ой-қуни яқинлашиб, қаттиқ тўлғоқ азобидан беҳуш бўлиб қолади. Қорақалпоқ ва бошқа вариантларда ўғил ва қиз эгизак бўлиб, бир кунда туғилади. Сўна халфа вариантыда болаларнинг ҳар бири алоҳида, бир йил давомида дунё юзини кўрадилар. Гулчехра биринчи марта ўғил туғади, икки кундош уни олиб, ўрнига кучук боласини қўядилар. Доробшоҳ буни эшитиб анча жаҳлга минса-да, Гулчехрани кечиради, иккинчи марта Гулчехра хомиладор бўлганда яна шикорга кетмокчи бўлади. Шунда Гулчехра уни юбормайди, лекин ўша пайтда элга ёв ҳужум қилади, ноилож қолган Доробшоҳ яна саройни тарк этишга мажбур бўлади.

Иккинчи марта Гулчехра қиз туғади, кундошлар уни ҳам олиб ўрнига мушук боласини қўядилар. Бу воқеани эшитган подшо дарғазаб бўлиб Гулчехрани саройдан хайдаб юборади.

Кундошлар биринчи болани ҳам, иккинчи болани ҳам бир қулга бериб, ҳарна тиласанг берурмиз, деб шаҳардан чиқариб ўлдиришни буюрадилар. Қул буларнинг ҳар иккаласини ҳам ўлдиришга юраги бетламай йўл устида қўйиб кетади. Болаларнинг ҳар иккаласи ҳам тасодифан Шахсувор деган бойнинг бир қулига дуч келади ва у қул ўғилни ҳам қизни ҳам ўз хўжасига олиб бориб беради. Ўғилнинг исмини Шаҳриёр, қизнинг исмини Анжум пари деб қўядилар.

Гулчехра эса қувғиндан кейин узоқ бир жойда ёлғиз бир кампирнинг маконидан бошпана топиб, у билан бирга яшаб қолади.

Қорақалпоқча вариантда бу воқеалар сал бошқачароқ кечади.

Эгизак ака-сингил туғилгач, тўққиз хотин томонидан ёлланган шум кампир болаларни олиб, сувга ташлайди. Кейин болаларни Дарапшонинг бир чўриси кўриб қолгач, кўркишиб, уларни ўлдириш учун Қодирқул деган бир қулга бериб юборишади. Қодирқул болаларни ҳеч ўлдира олмайди, уни биров қузатаётгандай бўлаверади, охири уларни бир саҳрога олиб бориб ташлайди. Болаларни ўлдириганини исботлаш учун қийикни ўлдириб, унинг юрак-бағрини

кундош хотинларга келтириб беради. Кундошлар эса юрак-бағрни ейишади. Достондаги мазкур эпизод жуда қадимги мифологик тушунчаларни эсга солади.

Болаларни ушбу вариантда ҳам Шохсуворнинг Қахрамонқул деган хизматкори топиб олади. Бироқ, Қахрамонқул Шахсуворга болаларни ўз ихтиёри билан эмас, балки мажбуран беради, тўғрироғи уларни Шахсувор хизматкоридан тортиб олади. Бу эпизодда ҳам икки халқ психологиясига оид турли тушунчалар мавжуд. Феодализмнинг бутун икр-чикирини бошидан кечирган, ўтроқ ўзбек халқи психологиясида хизматкор хўжасига ўта итоаткор бўлиб, нима топса икки қўллаб олиб бориб топширишга одатланган.

Қорақалпоқ халқи кўпроқ кўчманчи ҳаёт кечирган, уларда исёнкорлик, мустақиллик қаби одатлар азалдан мавжуд бўлган. Бу хусусиятлар чўл ва яйловларда ҳаёт кечирадиган халқлар учун муштарак хусусиятдир. Достондаги бу эпизодни ана шу нуқтаи назардан изоҳласак мақсадга мувофиқ ва ҳақиқатга яқин келади.

Қорақалпоқча версияда болаларни саҳрода қийик эмизиб юради, бу эпизод Ўзбекистоннинг чорвадор аҳолиси орасида ёйилган «Одилхон», «Соҳибқирон» қаби достонлардаги воқеаларга айнан тўғри келади. Хоразм вариантыда эса қийик, тоғ ва яйлов билан боғлиқ воқеалар шароит тақозосига кўра четлаб ўтилган. Қулават жиров Шахсуворнинг хотини Окдават образини достонга киритган, бу образ Сўна халфа вариантыда учрамайди. Окдават достонда озроқ кўринса-да, болажонлиги, меҳрибонлиги, ақллилиги билан ўқувчида жуда яхши таассурот қолдиради. Қорақалпоқ вариантыда Гулшара дастлаб чўлу саҳрода кезиб юради, кейинчалик эса унинг тоғ бағридаги зиндонда ётганлиги, ҳолидан бир чўпон хабар олиб турганлиги айтилади.

Ҳар иккала достонда ҳам кейинги воқеалар умуман ўхшаш келади. Фақат айрим эпизодлардагина фарқлар мавжуд.

Ўзбекча вариантда Шаҳриёр ва Анжум пари улғайиб, камолга етгач, Шаҳриёр янги канал казиб, қақроқ ерларга сув чиқариб, катта бир боғ барпо қилади, отаси Шахсувор ҳам бунга қўмаклашади. Боғ ичида барча усталарни йиғиб, етмиш кунгиралик қалъа қурдиради. Унинг бу фаолияти маълум даражада Фарҳод фаолиятини эсга солади.

Шаҳриёрнинг бу ишлари барчанинг ақлини хайрон қилиб, овоза бўлиб кетиб, Доробшоҳнинг икки хотинининг қулоғига ҳам бориб етади. Улар бу боланинг қимлигини сезиб, Савсонмомо деган макрбоз бир кампирни ёллаб, уларни йўқ қилишни топшириб

юборишади. Кампир келиб, Шахриёрга булбулигўё ҳақида гапириб, унинг узоқ сафарга кетишига сабабчи бўлади.

Қорақалпоқ вариантыда ҳам Шахриёрнинг боғ барпо қилиш эпизоди бор. Лекин бу ерда яна бир қўшимча эпизод ҳам борки, у ўзбек вариантыда учрамайди. Бу Шахсувор билан Шахриёрнинг тўқнашиши, уни Шахсуворнинг бировнинг боласи эканлигини юзига солиб, қувлаши, бунга Окдавлатнинг аралашиб уларни яраштириши эпизодидир. Бу эпизоддан кейин худди ўзбекчадагидек Шахриёрнинг довруғи Дарапшонинг хотинлари кулоғига етиб, бир кампирни уни йўқотиш учун юборганликлари эпизоди берилади. Кейинги эпизодларда эса яна айрим ўзгаришларни учратамиз. Қуламаг жирова Шахриёр анча йўл юргандан кейин Юлдузхон деган подшонинг даргоҳига етиб, унинг Қундузхон деган қизига уйланади. Кейин унга булбулигўё масаласини айтади. Қундуз унга отасидан қолган дубулға, бир камар ва бир камчини беради. Исми Аъзам дуосини ўргатади, дубулғани бошига кийиб, камарни белига боғлашни айтади ва камчини Тахтизаррин қалъасига бориб дарвозасига урсанг қалъа очилади, деб ўргатади. Шундан кейин Шахриёр Тахтизарринга булбулигўёни излаб кетади.

Ўзбекча вариантда Шахриёр узоқ йўл юриб, Жаҳоннома шахрига Омин-шоҳнинг тилсимлар маконига етади. У ерда ёзилган бир хатни ўқийди. Унда бу ердан бир тўн, бир дастор, бир камарни олиш кераклиги ёзилган бўлади. Буларни олгандан кейин Шахриёр Оминшоҳнинг қизи Шамсун парига уйланади. У билан бироз яшагач, ўзининг келиш мақсадини баён қилади. Шамсун пари уни Осордев деган девга миндириб, Тахтизаррин шахрига булбулигўёни олиб келишга юборади. Бу вариантда Шахриёр дасторни бошига ўраб, тўнни ҳам кийиб, камарни белига боғлаб, Заррин қалъасига келиб, яна бир хатга дуч келади. Унда қалъага қандай қилиб кириш мумкинлиги ёзилган бўлади. Шахриёр бу шартни бажариб, қалъага киради. Хатда булбулигўё билан қандай муомала қилиш ҳам ёзилган бўлади. Бу шартни ўқиш Шахриёрнинг эсидан чиқади ва булбулигўёнинг асири бўлиб тошга айланиб қолади.

Қорақалпоқ вариантыда Шахриёр қалъага камчи билан дарвозани уриб киради ва дастлаб булбулигўёдан устун келади. Лекин булбулигўё макр ишлатиб, барибир Шахриёрни тошга айлантириб қўяди. Бу вариантда ўзбекча, вариантда учрамайдиган яна бир эпизод борки бу Шахриёрнинг тош бўлиб қолганлиги ҳақида унинг отининг қайтиб келиб, уйига хабар бериш эпизодидир.

Бу эпизоддан кейин ҳар иккала дostonда ҳам Шахриёрнинг синглиси Анжум парининг саргузаштлари бошланади.

Ўзбекча вариантда ҳам қорақалпоқча вариантда ҳам Анжум пари образига алоҳида ўрин ажратилган.

Ўзбек вариантыда Анжум пари акаси сафарга кетгандан кейин узоқ вақт кутади. Акаси келавермагач, уни ўзи излаб чиқади. Дастлаб у дарёдан чиқиб талашаётган махлуқларга дуч келиб, улардан қўркмасдан ўтади. Кейин эса иккита тоғнинг бир-бири билан уришаётгани устидан чиқади. Анжум пари қора тоғни қиличи билан уриб икки бўлак қилиб ташлайди. Қараса тоғларнинг бири оқ, бири қора илон бўлиб чиқади. Оқ илон Анжумни изидан эргаштириб, аждаҳолар маконига олиб келади ва бир оқ соқолли кишига айланиб, эркакча кийинган Анжумдан йўл бўлсин сўрайди. Анжум пари булбулигўёни излаб бораётганини айтади. Чол айтадики, манинг отим Захҳок, халиги қора илон Саодат деган дев бўлиб, менинг душманамдир, сен уни ўлдирдинг, шунинг эвазига қизимни сенга бераман, дейди. Анжум пари бу таклифни булбулигўёни топгандан кейин қабул қилаётганини айтади.

Лекин Захҳок бари бир қизи Жайхун парини Анжумга никоҳлаб беради. Анжум эса Жайхун парига фақат олдимга қўйган мақсадим амалга ошгандан кейининггина сенга илтифот қиламан, деб ваъда беради. Кейин Захҳок Анжум парига булбулигўёни қўлга киритиш йўллари, тилсимларни очишни, исми аъзам ўқишни, Сулаймон пайғамбарнинг оти аспи жаҳонгирни қандай тутиб олишни ўргатади. Анжум пари бу ишларни чол айтгандек қилиб бажаради. Аспижаҳонгирни қўлга киритиб, у орқали оғаси Шахриёрни топади ва булбулигўёни қўлга киритади, Шамсун парини ҳам топади. Жайхун парини ҳам Шамсун паридан розилик олиб Шахриёрга никоҳлаб берадилар. Улар тахти Зарринни аспи жаҳонгирнинг ёрдами билан Шахриёрнинг аввалги қорбоғининг ёнига қўчириб келадилар.

Дostonнинг қорақалпоқ вариантыда ҳам деярлик шу воқеа такрорланади. Гулчехранинг кўзининг ожиз бўлиб қолиши, аспи жаҳонгирнинг туғи теккан тупроқдан суртгач, кўзининг очилиши эпизоди иккала версияда ҳам бор.

Шу билан бирга айрим ўзгачаликлар ҳам бор. Бу вариантда Анжум пари акасининг оти қайтиб келгандан кейин уни излаб сафарга чиқади. Дастлаб у икки аждаҳо урушаётган жойга келади ва қора аждарни чопиб ташлайди. Оқ аждар Эманхон деган подшо бўлиб чиқади. У ўзини душмандан қутқаргани учун Анжумга қизи Зухрани никоҳлаб беради. Кейин Анжумнинг мақсадини билиб,

булбулигўёни топишни, жаҳонгир дулдулни қўлга киритиш йўлларини ўргатади. Анжум бундан кейинги эпизодларда худди ўзбекча вариантдаги каби ҳаракат қилади. Отни топиб, миниб, акасини ёнига бориб булбулигўёни қўлга киритиб, Қундузхонни ҳам топиб, Зухрани ҳам акасига никохлаб беради.

Тахтизарринни кўчириб Шахсуворнинг юртига келтирадилар. Иккала дostonда ҳам кейинги эпизодлар ака-сингилнинг ўз отоналари билан қовушишлари хусусида баҳс этади.

Ўзбекча вариантда хикоя қилинишича, Тахтизарриннинг кўчириб келтирилиши Доробшоҳда ҳам қизиқиш уйғотади. У Сарҳан вазирни Шаҳриёрнинг олдига юбориб, улар ҳузурига меҳмон бўлиб боришни айтади. Шаҳриёр бу таклифга рози бўлиб, Доробшоҳни меҳмон қилади. Ўша пайтда аспи жаҳонгир Шаҳриёрга бутун сирни айтади. Шаҳриёр ҳақиқий отаси Доробшоҳ эканини билади ва аспи жаҳонгир билан онасини излаб топиб келтиради.

Ўз навбатида Шаҳриёрни Доробшоҳ ҳам меҳмон қилади. Отларга ем берганда бизнинг аспи жаҳонгир ем емайди, балки зумрад тош ейди, деб айтадилар. Бундан ажабланган Доробшоҳ от ҳам тош ейдими, деганда Шаҳриёр унга айтадики, «эй подшоҳим, инсон кучук билан мушук тугди, деган гапга ишонасизу, бунга ишонмайсизми? Бу сўздан кейин, подшо бутун сирдан вокиф бўлади. Шу ерда ўз болалари ва Гулчехра билан қайтадан қовушади.

Қорақалпоқча вариантда ҳам худди шу воқеалар тилга олинади. Бироқ унда айрим ўзгаришлар ҳам бор. Жумладан, Куламаат жиров шу жойга чўпон образини ҳам киритган. Чўпон зиндонда ётган Гулшарани озиқ билан таъминлаб юради ва дoston нихоясида Анжум парига уйланади. Шунингдек, Гулшаранинг топилиши эпизоди ҳам қорақалпоқ вариантыда бошқача берилган. Шаҳриёр зиндондан аспи жаҳонгирнинг тизгинини юбориб онасини тортиб олади. Бу эса қаҳрамонлик эпослари, жумладан «Алпомиш»даги эпизодларни эсга солади.

Шундай қилиб Сўна халфадан ёзиб олинган «Шаҳриёр» дostonи қорақалпоқ халқининг «Шаҳрияр» эпосига сюжет жиҳатдан жуда яқин келади.

Шунинг билан бирга бу асарлар бир сюжет асосига қурилган бўлсалар ҳам иккита мустақил дoston сифатида ўзларини намоён қилишади. Бу ҳолат образлар муқоясасида ҳам яққол намоён бўлади.

Қорақалпоқ версиясида Куламаат жировнинг эпос қуйлашдаги бутун талант ва қобилияти намоён бўлган. Жиров асарга ўзларида гуманистик ғояларни ташувчи Окдавлат ва чўпон образларини ҳам

олиб кирганки, булар дostonнинг халқчиллик руҳини янада оширган.

Дostonдаги Шаҳриёр отининг эгасини йўқотгач, уйини топиб, қайтиб келиши, Гулшарани зиндондан озод қилишда жаҳонгир дулдулнинг бевосита қутқарувчи сифатида иштирок этиши каби эпизодлар ҳам қорақалпоқ вариантыда эпос руҳининг баланд эканлигидан далолат беради. Асарда қорақалпоқ халқининг урф-одатлари, яшаш тарзлари жуда конкрет лавҳаларда акс эттирилади. Окдавлатнинг болалар олиб келингандан кейин уларни қуйлагининг ичига солиши, ўргага арча ёғоч қокдириб, унга олтин юган илдириши, болаларга қариялардан маслаҳат олиб, исм қўйилиши каби воқеалар бунга далил бўла олади¹. Асарда жуда кўп образлар иштирок этади. Ундаги асосий марказий фигура Шаҳриёрдир. У ёшлигидан илм ва хунарга ихлос қўяди. Ўн тўрт ёшига кирганда отасининг руҳсати билан кўрик очиб, боғ барпо қилиш тараддудига тушади. Янгидан канал қаздириб, усталарни йиғиб, ҳашаматли қалъа қурилишини бошлаб юборади. Боғнинг ичини гулзор ва мевазорга айлантиради. Шаҳриёр ўз дидига мос бўлган ажойиб боғни барпо қилиб, қалби фахр ва ифтихорга тўлган бир пайтда унинг ҳузурига макрбоз кампир Савсонмомо келиб, бу боғнинг битта камчилиги — унда булбулигўёнинг йўқлиги эканини айтиб, Шаҳриёрнинг кўнглига гулғула солади. Шундан кейин асар бош қаҳрамонининг саргузаштлари бошланади. Дастлаб у Жаҳоннома шаҳрига келиб, Оминшоҳнинг тилсимли саройига киради. У ерда Шамсун пари билан танишиб, унга уйланади. Унинг ёрламида шаҳри Зарринга бориб, булбулигўёни олиб келиш учун кетади. У булбулигўёни қўлга киритиш учун уч шартни бажариши лозим эди. Булар тўн, дастор ва камар билан боғлиқ шартлар эди. У тўнни кийиши, дасторни бошига ўраши ва камарни белига боғлаб, ундаги хатни ўқиши лозим эди. Шаҳриёр барча шартларни бажариб, фақат хатни ўқишни унутди. Оқибатда у булбулигўёнинг асири бўлиб, тошга айланиб қолади. Шаҳриёр ўз олдида қўйган мақсадини амалга оширишда ҳеч бир иккиланмасдан ҳаракат қилади. Унинг иродаси мустаҳкам, диди юксакдир. Шаҳриёрнинг зехнлилиги, илм-хунар ўрганишга иштиёқмандлиги, хунарымандларни йиғиши ва ободончилик соҳасидаги фаолияти бизга беихтиёр «Фарход ва Ширин» дostonидаги Фарход образини эслатади. Гарчи у Фарход типидagi қаҳрамон даражасига кўтарила олмаган бўлса-да, ўзининг

¹ Ўша асар, 69-бет.

мехнатсеварлиги ва софдиллиги билан тўла равишда ўқувчи ва эшитувчи меҳрини қозона олади.

Қорақалпоқ вариантыда унинг қаҳрамонлик фаолияти анча кенг. Индивидуал хусусияти жиҳатидан кизиққон. Жумладан у бир неча бор ўғай отаси Шахсувор билан тўқнашиб қолади. Доробшоҳ билан эса икки-уч марта уруш бошлаш режасини тузади.

Ўзбекча вариантда эса у характер жиҳатдан вазмин ва босиқ қилиб тасвирланади.

Асардаги асосий образлардан иккинчиси Шаҳриёрнинг синглиси Анжум пари образидир. Шуниси характерлики, у акаси улдасидан чиқа олмаган машаққатли вазифа бўлмиш-булбулигўё қушни қўлга киритишга муваффақ бўлади. Достонда Шаҳриёр сеҳр-жоду ишлатишни биладиган афсунгар сифатида тилга олинади. Анжум эса бу борада ундан ҳам зўр қобилиятга эга қиз бўлади. У тилсимлар шаҳри бўлмиш Жаҳонномага келиб, Саодат девни ўлдириб, Жайхун парини озод қилади. Бунинг эвазига қизнинг отаси Заҳҳок унга булбулигўёни топиш йўлларини, жаҳонгир дулдулни қўлга киритиш учун нима қилиш кераклигини, сеҳргарлик сирларини ўргатади.

Анжум пари ақли, қўркмас, мард ва вафодор аёл образидир. У аспи жаҳонгирни қўлга киритиб, уни ўзига бўйсундира олади ва уни ишга солиб, акасини озод қилади ҳамда булбулигўёни олиб қайтади. Анжум пари образи қорақалпоқча вариантда маълум даражада исёнкор ва жаҳли тез бир қиз сифатида тасвирланади. Анжум пари Эманхоннинг элига келиб, қора аждарни ўлдиргач, унга Эманхон қизи Зухрани никохлаб беради. Шу ерда у Зухра билан айтишиб қолиб, уни қалтаклайди. Иккиси ёқалашиб Эманхоннинг олдига қайтиб келишади.

Достоннинг Хоразм вариантыда бу эпизод Заҳҳок ва унинг қизи Жайхун пари билан боғлиқ воқеаларга тўғри келади. Бироқ бу ерда Анжум пари Жайхун пари билан жуда яхши муносабатда бўлади. Уни акасига никохлаб беришни қўнглига тугиб, бир афсун ўқийди ва қизни лаълга айлантириб, чўнтагига солиб қўяди.

Шаҳриёр ва Анжум пари образларидаги вариантлараро кўзга ташланадиган бу фарқларни ҳар бир халқнинг миллий хусусиятлари ҳамда урф-одатлари билан боғлиқ ҳолда қарашга тўғри келади.

Достонда берилган Шамсун пари (қорақалпоқчада Кундуз) образи ҳар иккала вариантда ҳам маълум даражада пассив равишда тасвирланади. У парилар авлодига мансуб бўлиб, қўлидан қўп ишлар келса-да, негадир Шаҳриёрга изчил суръатда ёрдам бера олмайди. Бу томони билан у «Хурлиқо ва Ҳамро»даги пари образи бўлган Хурлиқодан мутлақо фарқ қилади. Шаҳриёр бедарак кетгандан

кейин Шамсун пари ҳатто уни излашга ҳам ҳафсала қилмайди. Ёрига фақат Анжум пари ёрдамида қовушади.

Асарда берилган хотин-қиз образларидан яна бири Гулчехрадир. (Қорақалпоқчада Гулшара) Гулчехра тақдирга тан берган жафокаш аёл образидир. У ҳақиқат юзага чиқиб, ўз фарзандлари томонидан қутқариб олингунча бошига ёғилган барча бало-қазоларга зўр чидам билан бардош беради.

Достондаги Доробшоҳ фарзандсизлиги билан ҳам, подшоҳларга хос бешафқатлиги билан ҳам бошқа шох образларидан фарқ қилмайди. У Гулчехранинг мушукбачча туккани ҳақидаги сохта хабарни подшоҳга етказиш учун кундошлар томонидан юборилган бегуноҳ хабарчининг оғзи-бурнини чопишга буйруқ беради. Ҳатто фарзандларига ҳам токи танишгунча ҳасад билан қараб юради.

Унинг Сарҳан исмли вазири (қорақалпоқчада Тўман вазир) эса бир мунча андишали ва тадбиркор бўлса ҳам подшонинг чизган чизигидан ташқари чиқолмайдиган итоаткор иш юритувчи образ сифатида кўринади.

Асардаги Шахсувор образи эса иккала халқ вариантыда бири-биридан анча фарқ қилади. У қорақалпоқча вариантда қаҳри қаттиқ подшо сифатида тилга олинади. Шахсувор Шаҳриёр билан Анжумни тарбиялаб вояга етказди. Бироқ, у ўғайлигини ҳар қадамда билдиради. Ҳатто Шаҳриёрни ҳақоратлаб ҳайдаб ҳам юборади.

Ўзбекчада эса Шахсувор подшо эмас, балки, бадавлат бир киши сифатида тасвирланади. Унинг образи ушбу вариантда ақли ва меҳрибон киши тарзида намойиш этилади. У болаларни фидойилик билан ўқитиб, тарбиялайди. Уларни худди ўз фарзандлари каби ардоқлайди. Фикримизча, унинг қорақалпоқча вариантдаги қаҳри қаттиқлиги подшо бўлганлиги нуқтаи назардан келтириб чиқарилган бўлса керак...

Ҳар иккала халқ вариантыда ҳам кундошлар ва макрбоз кампир ҳақида сўз юритилади. Улар достоннинг айрим жойларида озгина кўриниб кетсалар ҳам асарда юз берадиган барча фожиали воқеаларнинг юз беришига сабабчи бўладилар. Буларнинг барчаси достон ва эртақлардаги анъанавий образлар бўлмиш кундошлар ва мастон кампирларнинг фаолиятларига ҳамоҳанг равишда ифода этилади.

Достон фантастик воқеалар билан боғлиқ бўлганлиги сабабли унда девлар, парилар, аждарҳо ва жаҳонгир дулдул образлари ҳам берилган.

Асарда иккита аждархонинг тоғ қиёфасига кириб жанг қилиш эпизоди ва қора аждархонинг Анжум пари томонидан махв этилиши

тасвирланади. Воқеа давомида оқ аждарҳо одамга айланади. Қора аждарҳо эса дев бўлиб чиқади.

Асардаги қора аждарҳодан бошқа барча аждарҳо, дев ва отлар фаолияти инсонлар учун амалга ошириш қийин бўлган ишларни бажариш борасида уларга ҳомийлик қилишга қаратилган. Жумладан, Осор дев Шаҳриёрни Жаҳоннома шаҳридан шаҳри Зарринга етти кеча-кундузда олиб бориб қўяди.

Достондаги энг чигал масалаларни ечишда асосий ролни ўйнайдиган образ Жаҳонгир дулдулдир. Ҳар иккала халқ вариантыда ҳам у Сулаймон минган от сифатида тилга олинади.

Жаҳонгир дулдул Анжум пари томонидан қўлга киритилгандан кейин токи асар финалигача бўлган барча воқеаларда иштирок этади. У булбулигўёни қўлга киритишда, тошга айланиб қолган Шаҳриёрни ўз аслига келтиришда, шаҳри Зарринни Яманга қўчириб келтиришда, Гулчехрани излаб топишда, Шаҳриёр ва Анжум париларнинг ўз ота-оналари билан қовушишида асосий воситачилик ролини бажаради. Шаҳриёрга ҳамиша ўзининг қимматли маслаҳатларини беради, унга йўл-йўриқлар кўрсатади.

Бу типдаги от образлари эртақ ва достонларда жуда кўп учрайди. Фольклоршунос Б.Саримсоқов «Кенжа ботир» эртагини таҳлил қилар экан, унда иштирок этувчи Отни бутун эртақ давомида Кенжа ботирга ёрдам беришини кўрсатиб, бу масала отнинг қўлти билан алоқадор эканлигидир, деб таъкидлайди¹. Дарҳақиқат, отнинг эртақ ва достон қаҳрамонларига ҳомийлик қилиши қадимий тотемистик қарашларга бориб тақалади. Хоразмда отнинг туғидан олинган парчани тумор қилиб тақиш каби ҳозиргача сақланиб қолган иримлар ҳам ана шу қадимий қўлтининг изларидир.

Бинобарин, ушбу сюжет атрофида бирлашувчи барча достонларда ҳам адолатнинг ноҳақлик устидан ғалаба қилиши, инсон меҳнатининг, унинг буқилмас иродасининг нималарга қодир эканлигини ифодалаб берилиши уларда илгари сурилган асосий роя бўлиб-қўзга ташланади.

Профессор Кобул Максетовнинг таъкидлашича унда «Азоб кўрганлар бахт-саодатга эришиши керак, деган халқ философияси олдинга қўйилган»². Шу билан бирга ҳар иккала халқ орасида тарқалган вариантда ҳам диний мотивлар, дуо-жоду билан боғлиқ

¹ Б.Саримсоқов. Эпик жанрлар диффузияси. // «Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари». -Т.: «Фан», 1981. 112-113-бетлар.

² К.Максетов. А.Тажимуратов, Қарақалпақ фольклори, Нөкис, «Қарақалпақстан» 1979, 291-бет.

масалаларни учратиш мумкин. Бу хусусият айниқса Сўна халфа вариантыда кўпроқ кўринади. Албатта бу масала достоннинг яратилган ва оммалашган даври, унинг қўчирувчиси ёки қўйловчисининг дунёқараши билан узвий боғлиқдир.

Шунинг учун ҳам бу асарларни тарихий шароит ва социал воқелик билан ҳамбарчас боғлиқ ҳолда ўрганиб, асосий диққатни уларнинг мағзидаги гуманистик ғояларни очиб беришга қаратиш зарур.

Бинобарин, қорақалпоқ ва ўзбек халқлари қадим давлардан бўён ёнма-ён яшаб, маданий-иқтисодий алоқага киришиб келаётганликлари сабабли, уларнинг маънавий бисотидаги мазмундор асарлари ҳам бир-бирлари билан эгизакдир. Бу асарларнинг ҳар иккала халққа ҳам асрлар оша баб-баравар хизмат қилиб, уларнинг орзу умиди, фикр-ўйини ўзида мужассамлаштириб келганлиги ушбу қиёсий таҳлил мисолида яна бир қарра ойдинлашади.

Бадииятдаги умумийлик ва ўзига хослик

Ҳар иккала версиянинг бадиий тил хусусиятларига назар ташлаш шунини кўрсатадики, Хоразмда тарқалган қўлғезма нусхадаги шеъринг сатрлар билан қорақалпоқ вариантыдаги шеъринг сатрлар бир-биридан мутлақо фарқ қилади.

Сўна халфа вариантыдаги шеърлар асосан анъанавий Хоразм достонларига хос бўлган мураббаъ шаклида яратилган бўлиб, достондан бешта мухаммас, иккита ғазал ҳам ўрин олган. Шунингдек, бу вариантда эртақ-мотивлари жуда кучли. Қўлғезма нусхада ёзма адабиётнинг ҳам сезиларли таъсири ўзини намойён қилиб туради. Достон ҳажман кичик, шеърлари Хоразм достон қўйларига мос, тузилиши жиҳатидан мукамал, мусикавий ва оҳангдордир. Уларда айниқса табиат манзараларининг тасвирига алоҳида эътибор берилади:

Боғингда очилган юз алвон гули,
Фигона солибди қумри, булбули
Ҳар ёна таратиб мушки, сунбули,
Эрам боға мангзар боғларинг санинг.

(«Ошиқнома», 2-қитба, 380-бет).

Достон қўлғезма равишда тарқалиб, кўпроқ ёзма адабиёт таъсирига мойил бўлса ҳам ундаги шеърлар замирида халқ қўшиқларининг

барҳаёт анъаналари ётади. Маълумки, халқ қўшиқларида лирик қаҳрамон кайфиятини табиатдаги воқеа-ҳодисаларга қиёслаган ҳолда образли параллелизмлар юзага келтирилади. Достондаги шеърӣй парчаларнинг аксариятида бу усулдан муваффақиятли фойдаланилган. Қўшиқ мазмунида хижрон, мусибат ифодаланганда табиатдаги «гулнинг ҳазон бўлиши», «тоғ бошини туман қоплаши» ёки «булбул ўрнига зоғларнинг учиши» каби ҳодисалар тилга олинади ва лирик қаҳрамоннинг фикри, кайфияти конкрет лавҳаларда гавдалантирилади:

Бошимиздан эсди айрилиқ ели,
Сўлар бўлди эмди боғларнинг гули...
(«Ошиқнома», 2-китоб, 389-бет.)

Бошима тушибди қоронғу кунлар,
Киш бўлганда тоғ бошида туманлар...
(«Ошиқнома», 2-китоб, 372-бет.)

Сен кетарсан оғам узок юртларга
Зоғи зоғон қўнар бўлди боғларга...
(«Ошиқнома», 2-китоб, 372-бет.)

Шеърӣй парчаларда висол, қувонч бахт ҳақида сўз юритилганда, «гулларнинг очилиши», «булбулларнинг сайраши», «ғоз билан турналарнинг шодон парвози» тилга олинади:

Боғимнинг очилур гуллари барно,
Томошаға келур ғоз бирла турно...
(«Ошиқнома», 2-китоб, 395-бет.)

Боғимда очилур гуллар,
Сайрашур неча булбуллар,
Ота-онам, қўришайлик...
(«Ошиқнома», 2-китоб, 414-бет.)

Асар таркибида ишлатилган бадиӣй тасвир воситалари халқ достонларидаги анъанавӣй услубни янада муваффақиятли ривожлантирилиши асосида юзага келтирилгандир. Масалан, «Зумрад ёқа», «Жайрон қўз», «Қирмизи гул», «Зарафшон кокил», «алвон гул» каби. Достон тилида форсий изофаларнинг ҳам салмоғи катта: «қомати шамшод», «офтоби тобон», «Моҳитобон», «Хуршиди тобон» ва бошқалар.

Асарда ишлатилган муболағалар ва айрим ўхшатишлар эса ҳар томонлама анъанавӣй услубга ҳамоҳанг равишда берилади:

Кипригинг ўқ, қошларинг ёй,
Юзингдин рашк этадур ой...
(«Ошиқнома», 2-китоб, 383-бет.)

Оламни куйдирар оҳ бирла зорим..
(«Ошиқнома», 2-китоб, 388-бет.)

Ёки:

Кўзларимдин оқар қоним..
(«Ошиқнома», 2-китоб, 423-бет.)

Достоннинг насрий матнлари эса ўзида сезиларли равишда ёзма адабиёт анъаналарини мужассамлаштиради: «... кўрса бир қасри айвон, ул айвоннинг эшигини қаради. Ул айвонда уч нозанин, мўрчамиён, пистадахон, шаккарбарин, зулфларини чин-чин, халқа-халқа қилиб, бир ёнға ташлаб, кашта тикиб, бир-бирлари бирлан ҳазил мазах қилиб ўлтирурлар». («Ошиқнома», 2-китоб, 343-бет.)

Бинобарин, достон тили ёзма адабий тил билан жонли сўзлашув тилининг ўзаро уйғунлаштирилиши асосида яратилган. Унинг лексикасида Хоразм шеvasига оид кўпгина сўзларни учратиш мумкин.

Достоннинг мазмуни қорақалпоқлар орасида тарқалган «Шаҳриёр» достонига деярлик айнан тўғри келса-да, улардаги шеърӣй парчалар бир-бирига мутлақо ўхшамайди.

Шеърӣй матнларнинг аксарияти «Алпомиш», «Қурбонбек» каби достонлардаги шеърӣй услубни эслатади:

От сувлигин чайнайди,
Ошиб-тошиб қайнайди,
Ҳар бир тоғнинг бошида
Жилов ташлаб ўйнайди.
Бир ой тамом йўл юрди,
Дарё бўлиб югурди,
Саҳроларда кишнабон,
Ўрмонларда пишқирди.
Ғоҳ боради йўрғалаб,
Ғоҳ кишнаб, сирғалаб,
Жарлардан сакраганда
Буралиб ҳам ирғалиб¹.

¹ «Шаҳриёр». -Т.: Ғ.Ғулом номли адабиёт ва санъат нашриёти, 1977, 105-бет.
(Муҳаммад Али таржимаси).

Демак, дoston халқлар орасида ягона вариант сифатида оммалашмасдан, иккита ижодкор халқ томонидан мустақил ҳолда яратилган ижод маҳсули сифатида тарқалган ва омма орасига ёйилиб, коллектив ижодга мансуб асар бўлиб кетган.

Хоразмда тарқалган дoston варианты кўпроқ индивидуал ижод маҳсули сифатида кўзга ташланади. У ҳажман ихчамлаштирилган ва мазмунига романтик рух сингдирилган.

«Шаҳриёр» дostonининг қорақалпоқ варианты эса ҳажм жиҳатидан катта, услуб жиҳатидан қаҳрамонлик эпосларига яқин туради.

Унинг тил хусусиятлари оғзаки услуб доирасида намоён бўлса-да, лексик катламда форсий, арабий изофалар, дostonнинг қўлёзма нусхаларига хос кўплаб ўзлашма сўзлар тез-тез кўзга ташланиб туради. Масалан, Қуламаат Жиров вариантыда: қабба, жанда, заифа, муҳрдор, чилтан, сарҳовуз, эран, шунқор, мубтало, дийдор, сарбон, гирифтор, ҳарам, маскан, махшар, фармон, зимистон, канора, лаъли, маржон, сатранж, сано, фалак, жудо, хусумат, мусофир, мухтож каби сўзлар; ойнаи жаҳон, аспи жаҳонгир, завқи сафо, Тахти заррин каби изофалар; Ўтаниёз жиров вариантыда дарвеш, муяссар, мунаввар, ранг баранг, муножот, фоний, таваккал, тимсол, фаришта, шайдулло, беҳуш, хушрӯй, кавсар, паймона, боргоҳ, қиблагоҳ, сарвар, ҳазон каби сўзлар; Юсуфи Канъон, биру бор, ҳури ғилмон, вазири аъзам каби изофа ва бирикмалар бунга далил бўла олади. Шунингдек, «Ойдан ой ўтди, кундан кун ўтди», «йўлга равона бўлди», «Бағри эзилиб, кўнгли бузилиб, нордай бели букилиб», «мен бўлибман гирифтор», «Танҳо махшар кунда», «Шоду хуррам бўлиб, қорбозорга борди», «Қирқ чилтан, ғойиб эранлар» «Ҳақдан бўлди ғарибликда иноят», «Шаҳриёр ҳаммасини баржой қилди» (Қуламаат жиров варианты); «Кун чикди, олам мунаввар бўлди», «Ёлғончи фоний дунёда», «Гавҳари шамчироқ олиб кел», «Энди бир, чўли биёбонни кўрди» (Ўтаниёз жиров варианты) сингари ёзма нусхаларга хос жумлалар ҳам жировларнинг дostonнинг қўлёзма нусхалари билан алоқадор эканликларини кўрсатади. Бу хусусият Ўтаниёз жиров вариантыда айниқса кучлироқ намоён бўлади.

Мазкур вариантдаги турли иборалар, сажъ тузилмалари, эпик клишелар ёзма нусхадаги муқобилларига деярлик айнан тўғри келади.

Ўтаниёз жировда Шаҳриёр барпо қилган боғ тасвири шундай берилади:

«Энжир алмаси пискен, торсылдап жерге түскен, қумырылар дем

шегип, тотылар сөз айтып, бўлбўллар сайрап, пахтеклер нала шегип турган Шарьярдын уллы бағын көрди¹».

Ушбу тасвир Сўна халфа варианты асосида нашр қилинган матнда шеърини шаклда ифодага тортилган:

Ки айтур тўтилар зори ниҳони,
Ки қумрилар қуйлар беҳад санони,
Фиғон айлар гулни устинда булбул,
Тушар гуллар аро ким анда ғул-ғул.
Ки қумрилар ўқурлар исми Олло,
Ки пахтақлар ўқурлар қулфи Олло...

(«Ошиқнома», 2-китоб, 365-бет.)

Бундай ўхшаш тасвири бошқа бир ўринда ҳам кўриш мумкин: «Ақшам жатты, таң атты. Қудайдың қудирети, мағрупан ҳам бир кун шықты, машырыктан ҳам бир кун шықты. Мағрупан шыққан кун доланып өз кәддинде кетти. Машырыктан шыққан кун шықтыда батты. (Қарақалпақ фольклоры, XIII том, 46-бет.)

Ушбу ўхшатишни Ўтаниёз жиров Шаҳриёр ва Анжумнинг қўёшдай чараклаган сиймосига нисбатан қўллаган.

Ўзбекча матнда бу қиёс Шаҳриёрнинг Қалъаи Заррин шаҳрига нисбатан ишлатилган: «шаҳри заррин тамоми молу асбоби бирла хозир бўлди. Бир зумда гўё қоронғу кечада офтоб чикқандек бўлди. Андоғ жило бердиким, мағрибдин то машрик кўринди». («Ошиқнома, 2-китоб, 412-бет.)

Қиссахонлар томонидан ўқиладиган қўлёзма нусха дostonлардаги кўплаб стилистик тузилмалар Ўтаниёз жиров вариантыда фаол қўлланилган: «Ләк-ләк, байдак-байдак, сәнжак-сәнжак, ушы да жоқ, қыры да жоқ бийҳесап әскерди көрди». («Қарақалпақ фольклоры», XIII том, 96-бет.)

Бу анъанавий тузилма ўзбекча матнда қуйидагича берилган: «Халойиклар тўп-тўп, санжоқ-санжоқ, байдоқ-байдоқ, гурух-гурух бўлиб ўтдилар» («Ошиқнома», 1-китоб 151-бет.)

Ушбу тузилма лашкар ёки одамларнинг сон-саноксиз эканлигини муболағали тарзда ифодалаш учун кўпгина ёзма нусхадаги дostonларда қўлланилади. Подшоҳга ёки хонга нисбатан мурожаат тарзидаги тузилма ҳам Ўтаниёз жиров вариантыда истифода этилган:

¹ Қарақалпақ фольклоры, XIII том, Нөкис, «Қарақалпақстан», 1984. (нашрга тайёрловчи К. Максетов).

«Эй Шарьяри алам, ол султони бэк эрам»... «Қарақалпақ фольклоры» XIII том, 111-бет.)

Ўзбекча матндаги бу тузилма ҳам фаол қўлланилади: «Эй подшойи олам ва эй султони бокарам»... («Ошиқнома», 1-китоб, 291-бет.)

Кулават жиров вариантида ҳам қўлёзма нусхалардаги анъанавий сайёр иборалар оз бўлса-да, учрайди:

Турган нәмәрт,
Кашкан мәрт,
Булардың қолына түссек
Қәне бизге Самарқанд, Ташкент,
Турганның атасына
Жүз мың нәлет! — деп, қашып кетти.

(Қарақалпақ фольклоры, XIII том, 159-бет.)

Қўлёзма нусхаларда бу тузилманинг қуйидаги шакллари бор:

«Хай-хай, қочғонга раҳмат, қўшилганга барақат, бу ерда турганга лаънат, деб изига қарай-қарай бадар кетди».

(«Ошиқнома», 4-китоб, 126-бет.)

«Зангига ҳиммат, қуюшқонга барақат, бизларга туҳмат, қочғонга раҳмат, бу ерда турганга лаънат, деб изларига қарамай қочдилар».

(Ўша китоб, 135-бет.)

Ушбу сайёр иборалар асосан ёзма нусхадаги дostonлар матнида фаол ишлатилади. Оғзаки вариантларда ҳар бир баҳши мазкур ифодавий ибораларни қайта ишлаб, бойитиб, воқеага мослаб ижодий равишда фойдаланадилар. Ҳар иккала жировда ҳам ушбу хусусият улар ижро қилган бадий нутқда жило бериб туради. Демак, оғзаки вариантларнинг генезиси ҳам қайси томони билан бўлса-да, ёзма нусхалардаги анъаналарга бориб боғланади.

Бадий тасвир воситаларида ҳам анъанавийлик мавжуд.

Кулават жировда ҳам Ўтаниёз жировда ҳам олтин кокил, қумуш кокил, тилла сарой, тилла жиға сингари сифатлашлар фаол ишлатилади.

Сўна халфа вариантида асосан нашр қилинган матнда ҳам шу хусусида ёркин қўринади:

Боши олтин, оёқлари қумушдин,
Тиши дус, кўзлари мастона хушдин.

Қўли ёқут эрур, бармоқлари лаъл,
Жаҳон тахтига лойиқ мукаммал.

(«Ошиқнома», 2-китоб, 353-бет.)

Албатта жировлар ижросида ушбу сифатлашлар муайян ижодий қайта ишловларни бошдан кечирган. Қорақалпоқ версиясида оригинал ўхшатишлар ҳам учрайди. Кулават жировда: «Ийшаннан қашқан жинлидей», Ўтаниёз жировда: «Кенелеген қояндай» каби ўхшатишлар ишлатилган. Фикримизча, бундай ўхшатишлар баҳшилар кашфиёти бўлиши керак. Чунки ...бадий нутқнинг ифодалилигини кучайтириш учун хусусий-муаллиф ўхшатишлари алоҳида аҳамиятга моликдир. Ижодкорнинг бевосита ўзи яратган, унинг ўткир кўзи, қўламли тасавури ва бепоён таҳайюли, зийрак қушатишлари маҳсули сифатида юзага келган ва ўз ўрнида қўлланган ўхшатишлар бетакрор образларнинг гўзал ифодалиларига айланади. Нутқда кучли поэтик мазмун қасб этади¹.

Қорақалпоқ жировлари вариантларида сажъ усулига эътибор анча кучли.

Нашр қилинган қўлёзма нусхада сажъ шакллари камроқ бўлса-да айрим ўринларда гўзал намуналар учрайди. Асарнинг муқаддима қисмида қуйидаги сажъ берилган:

«Ул айвонда нозанин, мўрча миён, pistaдаҳон, шакарбиррин, зулфларини чин-чин, халқа-халқа қилиб, бир ёнга ташлаб, қашта тикиб ўлтирур эрдилар». («Ошиқнома», 2-китоб, 343-бет.)

Ушбу сажъ ўрнида Ўтаниёз жиров вариантида бошқача бир вариант кашф этилган: «Қараса қарағай бармак, жез тырнак, дали көз ойнак, алпак, юпқа додак отырған үш пәкизе, хоширей бәрне қызды көрди» (Қарақалпақ фольклоры, XIII том, 15-бет.)

Кулават жиров вариантынинг бошланма қисмида сажъ ишлатилмаган. Ўтаниёз жиров бадий нутқда сажъ шаклини фаол қўллайди. Айрим ўринларда образлар портретини қизишда ҳам сажъ усулига мурожаат қилади: «Эне көз жиберип қараса, көзи ҳам мәштей, мәммәси ҳам таштай, белгенеси түкрейген, қулақлари ҳам тикирейген, топпысы ҳам тозған, кесели ҳам қозған, еки дизеси қулағынан ҳам қарыс азған, бағдың ортасында бир жананды көрди» (Қарақалпақ фольклоры, XIII том, 68-бет).

¹ Махмудов Н. Ўқитувчи нутқ маданияти. -Т.: А. Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. -Б.171. (185).

Ушбу сажъ шаклига ёндош бўлган қофиявий бирикма Хоразм бахшилари репертуаридаги «Гўрўғли» дostonларида учрайди. «Хирмондали» дostonидаги шум кампир портретини чизишда қуйидаги тасвир мавжуд: «у кампирни баён этсак, тўпписи тўзган, қўхна касали қўзган, гапда ҳаммадан ўзган бир кампир»¹. Бундан маълум бўладики, бахши-жировлар бадий нутққа сайқал беришда фақат бир дoston доирасида иш кўрмасдан ўхшатиш ва сифатлашлар, сажъ элементлари, сайёр формулалар ва бошқа ифода воситаларидан фойдаланишда кўплаб бахшилар, киссахонлар репертуаридаги дostonларнинг бадий тилидан атрофлича ижодий фойдаланишар экан.

Кулават жиров вариантыда сажъ шакллари озроқ бўлса-да, бахши бу анъанавий усулдан фойдаланишга ҳаракат қилган. Жиров сажъ усулини кўпроқ шеърӣ тарзда беришга интилан:

Таяқтан силеси қатты,
Сўйиншиге батты,
— Олла-билла айтпайман, деп,
Исти кепти,
Анық шартин айтты,
Қашып бадар кетти.

(Қарақалпақ фольклоры, XIII том, 155-бет.)

Дostonларни анъанавий сайёр мисраларсиз тасаввур қилиш қийин. Фольклоршунос Т.Мирзаевнинг таъкидлашича, анъанавий стилистик формулалар барча дostonлар учун умумий бўлиб, бахшилар дoston ўргана бошлаганда дастлаб ўша сайёр формулаларни ёдлашдан иш бошлаганлар².

Кобул Максетовнинг таъкидлашича, икки қатордан иборат сайёр формулалар аслида қўшиқларда шаклланиб, кейинчалик дoston қўшиқларига кўчган. Уларнинг асосий қисми анъанавий клишелар бўлиб, бир қисми бахши, жировларнинг импровизациясига алоқадор³.

Ҳар иккала жиров вариантыда ҳам сайёр анъанавий формулаларга кенг ўрин берилган ва ўша ифода воситалари шеърӣ мисраларнинг ўйноқи, таъсирчан чиқишида муҳим роль ўйнаган.

Кулават жировда:

Атлар шапқан бәлент таўдың дүзиме,
Перзент ушын ғубар енди жузиме.

(Қарақалпақ фольклоры, XIII том, 142-бет.)

Минген бедеў дағыстанда сайлансын,
Душпанлардың тәнде жаны қыйналсын.

(Қарақалпақ фольклоры, XIII том, 143-бет.)

Атлар шаппас бәлент таўда демишлар,
Анда рахат, бунда мийнет емишлар.

(Қарақалпақ фольклоры, XIII том, 143-бет.)

Ўтаниёз жиров вариантыда анъанавий сайёр формулаларга мурожаат қилиш қўлами жуда кенг. Шу сабабли шеърӣ баённинг тўртлик шакли асосий ўринни эгаллайди. Тўртлик шакли строфик характерга эга бўлиб, ўғуз эпосига хос услубдир. «Шахриёр»нинг Сўна халфа вариантыда шеърлар мураббаъ шаклида ижод қилинган.

Ўтаниёз жиров анъанавий сайёр формулаларни асосан тўртлик шаклидаги шеърларида қўллаган. Қарақалпақ мумтоз эпосига хос астрофик шеърларда бу усул анча кам ишлатилган. Шу нарсани ҳам таъкидлаш жоизки, Ўтаниёз жиров ишлатган сайёр ифодалар ўғуз эпосидаги муқобилларга анча яқин келади. Сайёр формулалардан фойдаланиш мисраларга бадий-эстетик рух бағишлайди. Унинг замирида табиат билан руҳият муқоясаси ётади:

Ашылғанда қызыл гүлин солды ма,
Өжел жетпей шул пайманан толды ма.

(Қарақалпақ фольклоры, XIII том, 38-бет.)

Ашылғайма он гүлиннен бир гүлин,
Саған келген маған келгей сум өлим.

(Қарақалпақ фольклоры, XIII том, 46-бет.)

Кийген липасларым жетпес диземе,
Нашарлықтан сепкил түсер жүзиме.

(Қарақалпақ фольклоры, XIII том, 71-бет.)

Ушып бүлбүл, зағлар қонар лашына,
Алла рәхим әйлегей көзде яшына.

(Қарақалпақ фольклоры, XIII том, 78-бет.)

¹ Гўрўғли. Урганч, «Хоразм», 2004. -Б.273. (476).

² Мирзаев Т. Эпос и сказитель. -Т.: Фан, 2008. -С.343.

³ Максетов К. Карақалпақ қахарманлық дostonларының поэтикасы. -Т.: Фан, 1965. -Б.190.

Казан урмай кызыл гулиң солды ма,
Әжел жетпей шул пайманан толды ма.

(Қарақалпақ фольклоры, XIII том, 124-бет.)

«Шахриёр» достони маиший мавзудаги достон бўлганлиги сабабли унда зулм-зўрлик, азоб-уқубат билан алоқадор сахналар кўп.

Шунинг учун бахши сайёр формулалардан фойдаланганда асосан инсон рухияти билан алоқадор маъноларга кўпроқ диққатни жалб қилади. Ушбу мисралар аксарият ҳолларда маъюслик, ғамгинлик, шикасталик, тушқунлик каби изтиробли ҳолатларни ифодалашга сафарбар қилинган.

ҚулаMAT жиров вариантыда ишлатилган сайёр формулалар анча кам. Бирок улар мазмунан қаҳрамонлик эпосларига хос хусусиятларга эга. Уларда бедов, от, тоғ, доғистон, дуз каби сўзлар учрайди ва ғайрат, шижоат билан боғлиқ тушунчалар кўпроқ намоён бўлади.

Ўтаниёз жиров вариантыда маиший мавзуга эътибор кучли бўлганлигидан образларнинг ички кечинмалари билан боғлиқ тушунчаларга эътибор кучли. Ушбу сайёр мисралар достоннинг ўзбекча вариантларида ҳам кенг қўлланилган.

Қорақалпоқ жировларида ҳам Хоразм билан алоқадор вариантларда ҳам сайёр формулалардан «Хазон» «Гулзор», «Булбул», «Зоғ», «Баҳор», «Тоғ», «Дуз», «Қиш», «Гулистон», «Зимистон» каби умумийлик касб этувчи рамзлар фаол ишлатилади:

Очилур алвон гуллари,
Лол қилур булбуллари.

(«Ошиқнома», 2-китоб, 377-бет.)

Боғингда очилган юз алвон гули,
Фиғона солибди кумри, булбули.

(«Ошиқнома», 2-китоб, 380-бет.)

Бу сўзларинг мени қўйди алама,
Булбул учиб, зоғлар қўнди гулима.

(«Ошиқнома», 2-китоб, 65-бет.)

Ойга туташди доғлар,
Булбулнинг ўрнига зоғлар.

(«Ошиқнома», 2-китоб, 135-бет.)

Хазон урди бу дам сўлди бу гулинг,
Гулингдин ҳам гулзорингдин айрилдинг.

(«Ошиқнома», 2-китоб, 89-бет.)

Анъанавий сайёр мисралар қиёси шуни кўрсатадики, улар воҳадаги достон ижрочилари учун образлар, рамзлар жихатидан умумийлик касб этади. Бирок, ҳар бир ижрочи уларни ўз диди, ўз бадеҳағўйлик даражасига кўра композицион қурилиши жихатидан янгилайди, ўзи далиллаётган тушунчага мослаштиради.

Достонлардаги бадий нутқда мақолларга мурожаат қилиш анъанаси қадимдан мавжуд. Шу сабабдан бўлса керак В.М. Жирмунский уларни образли параллелизмларнинг пайдо бўлишида асосий таянч бўлганлигини таъкидлайди¹.

Дарҳақиқат, мақоллар айрим ҳолларда шеър мисраларининг дастлабки қаторларидан жой олишиб, воқеа ривожига туртки бўлиб хизмат қилишади:

Яхши жон одамзод бўлур,
Ёмоннинг иши дод бўлур,
Маккага борган шод бўлур,
Бугун мани шод айладинг.

(«Ошиқнома», 2-китоб, 396-бет.)

Айрим ҳолларда мақоллар тўла бир банддан иборат бўлади:

Юрт каддини шоҳлар билмас,
Бошқа юртга ошмагунча.
Яхши ёрнинг каддин билмас,
Бир ёмонга тушмагунча.

(«Ошиқнома», 2-китоб, 78-бет.)

Ҳар кимни дўст тутиб бўлмас,
Дўст тутиб унутиб бўлмас.
Қизил гулни сотиб бўлмас,
Харидор учун йиғларман.

(«Ошиқнома», 2-китоб, 109-бет.)

Сўна халфа бисотидаги қўлёзма нусхага асосан чоп этилган вариантда мақоллар жуда кам. Борлари ҳам юқоридагидек шеър мисралар таркибига сингдириб юборилган. Қорақалпоқ версия-

¹ Жирмунский В.М. Тюркский героический эпос. -Л.: Наука, 1974. -С.654. (726).

ларида эса достон оғзаки бадий нутққа асосланганлиги сабабли уларда мақоллар фаол қўлланган. Айниқса Ўтаниёз жиров вариантыда мақолларнинг ишлатилиш қўлами жуда кенг доирани ташкил этади.

Жиров турмушдаги турли масалалар моҳиятини ёрқин ифодалаш учун унга мос мақолни келтиради:

1. Порахўрлик:

Алтын көрсө периште жолдан шығады.

2. Камбағаллик:

Жаксының кийимин алғаны, геллесин алған менен барабар.

3. Такаббурлик:

Сыпайы урса тон жабар.

4. Беминнатлик, пухталик:

Жаксы ийт өлигин аўлаққа таслайды.

Ўтаниёз жировнинг маҳорати шундаки, у мақолга мурожаат қилганда баъзан мазмунни шеърини шаклга солади. Айрим вақтларда матн талаби билан сажъ усулини қўллайди:

Өзиннен туўмай ул болмас,
Сатып алмай қул болмас.

(Қарақалпақ фольклоры, XIII том, 52-бет.)

Жылағанды сорма, күлгенди

Сор, деген накыл бар.

Себеп недур сен күлдин,

Хабарынды маған бер.

(Қарақалпақ фольклоры, XIII том, 61-бет.)

«Аўзы жаманның сөзи жаман, жеңи жаманның қолы жаман, өзели жаманның өзи жаман».

(Қарақалпақ фольклоры, XIII том, 53-бет.)

КулаMAT жиров вариантыда ҳам мақоллардан фойдаланиш усули эътиборни тортади. Бу усулни қўллашда ҳар бир жировнинг ўзига хос услуби бор. КулаMAT жиров мақолларни кўпроқ шеърини шаклга солиш усулини қўллайди. Бир хил мақоллар икки жиров вариантыда ҳам мавжуд. Аммо Ўтаниёз жиров уларни насрий матнга мослаштиради, КулаMAT жиров шеърини нутққа сингдириб юборади:

Алтын көрсө периште
Жолдан шығар, дегендей.

(Қарақалпақ фольклоры, XIII том, 145-бет.)

Таўды-тасты жел бузар,
Онын ушын жылама.
Адамзатты сөз бузар,
Онын ушын жылама.

(Қарақалпақ фольклоры, XIII том, 169-бет.)

Ийтке берсен асынды,
Ийтлер тартар басынды.

(Қарақалпақ фольклоры, XIII том, 220-бет.)

КулаMAT жиров баъзи шеърларида мақоллар мазмунидан фойдаланиб, кўплаб афоризмга суғорилган гўзал мисралар яратади:

Жаксы адамға айтсан гәп,
Гәп мәнисин аңлайды.
Жаманларға айтсан гәп,
Алдайды деп нанбайды.
Акмақларға гәп айтсан
Гәп паркына бармайды.
Нәкаслерге гәп айтсан,
Гәп паркына бармайды.

(Қарақалпақ фольклоры, XIII том, 161-бет.)

КулаMAT жиров насрий матнларда ҳам мақолларни ўз ўрнида қўллаб, мантикий, изчил, юксак бадий нутқни рўёбга чиқаради.

1. Омад бахт:

Жерден тилегенди көктен берди.

2. Эхтиёткорлик:

Патшаның кәхәринен, шайтанның шәхәринен сакла.

3. Мунофиқлик:

Ғарға ғарғаның көзин шоқымайды.

Ушбу қўлланилган мақоллар ҳар иккала жиров вариантыда ҳам бадий нутққа зеб берувчи асосий омиллардан бири сифатида кўзга ташланади. Жировлар халқ орасида фаол ишлатиладиган кўплаб мақол ва ҳикматли сўзларни қайтадан ижодий ишлаб, унга жило бериб, гўзал мисралар кашф қилишган. Насрий матнларга фалсафий рух бағишлаганлар, уларнинг инсон руҳиятига таъсирчанлигини оширганлар, асарнинг халқчиллик руҳини янада юксалтиришга ҳаракат қилганлар ва ўз мақсадига эришганлар.

Достон мусика ва кўшиқ билан йўғрилган ҳолда мукамаллик касб этади.

Муסיкийлик шеърийат билан узвий алоқадордир. Шу сабабли жиров ва бахшилар шеърий нутқда товуш уйғунлигига асосий эътибор қаратишади. Ушбу поэтик усул аллитерация деб юритилади. «Аллитерация-архаик ҳодиса бўлиб, туркий халқлар бадиий тафаккурига хос хусусиятдир. Улар энг қадимги ёзма манбаларда ҳам учрайди»¹.

Хоразмда тарқалган ёзма нусхада етиб келган достонларда аллитерация усули кўпроқ анафора шаклида бўлиб, товушлар ягона ўзак такрорида намоён бўлади:

Бириси қиймиран, бири қош қоқар,
Бири қуёш, бири ой бўлиб боқар,
Бириси сув сепар, бириси ёқар,
Жонимнинг офати, балоси қизлар.

(«Ошиқнома», 5-китоб, 76-бет.)

Ушбу тўртликда «Бир» сўзи ўзаги теварагида «Қ», «Б», «Р», «И» каби қатор унли ва ундош ҳарфлар такрорланиб, муайян товуш уйғунлигини юзага келтириб, аллитерация намунаси рўёбга чиққан.

«Шахриёр» достонининг Сўна халфа вариантида насрий матнларда ҳам ўзига хос сажъ усулида товуш уйғунлиги ҳосил қилинган: «...минг гулом олтинпўш, минг бедов от, минг тева лаъли-тумма, минг ҳўкиз шохларига гавҳар тақилган, минг този жунларига инжу тузилган»... («Ошиқнома», 2-китоб, 347-бет.)

Ушбу матн қиссахон томонидан ўқилганда, «минг» сўзига алоҳида ургу берилади. Натижада товуш уйғунлиги билан қўшилиб, нутқ дабдабали тус олади.

Албатта ёзувга олинган достонларда аллитерация усулига эътибор берилмайди. Чунки қиссахон мусиқага эмас, балки қироатга таяниб иш кўради. Шу сабабли улар сажъ шаклига кўпроқ эътибор қаратишади. Оғзаки вариантларда аллитерация усулига асосий эътибор қаратилади.

Тилнинг товуш томонга эътибор қаратиш Қуламат жировда устуворлик қилади. Ижодкор аллитерацияларда унли ва ундош товушларнинг қоришиқ тарзда танлаб, махсус бандлар яратади:

Қаршыға қустың баласы,
Қайында болар уясы.
Қайын, басын жел қақса,
Қайғыда болар анасы.

Жапалақ қустың баласы
Жарда болар уясы,
Жар жағалай суў алса,
Пәрмана болар анасы.

(Қарақалпақ фольклоры, XIII том, 147-бет.)

Достонда берилган ушбу намуналар қорақалпоқ халқи орасида қўшиққа айланиб, оммалашиб кетган.

Жиров қахрамонлар ҳаракати, ички руҳияти жараёни тасвирида ҳам уйноқи фонопоэтикани рўёбга чиқаради:

Қарсақ жүрмес қалыңнан,
Қайрылмай өтип барады.
Туя жүрмес тунейден,
Түнде кетип барады.

(Қарақалпақ фольклоры, XIII том, 173-бет.)

Ўтаниёз жировда ҳам бадеҳағўйлик таланти жуда юксак. Қуламат жиров вариантыдаги «Қуш» (қус) билан алоқадор тасвир унда ҳам бор. Характерли томони шуки, Ўтаниёз жиров ушбу товуш уйғунлиги билан боғлиқ тасвирга бошқача жило берган:

Жапалақ қустың баласы,
Жантакта болар уясы.
Жантак ушын от алса,
Жылап кетер анасы.

(Қарақалпақ фольклоры, XIII том, 32-бет.)

Матнларда айнан такрорланувчи шундай фонетик усуллар борки, улар ҳар бир ижодкор тасвирида ўзгача бир оҳанг билан жаранглайди:

Ўтаниёз жировда:

Бир пақшасы қоладан,
Бир пақшасы гүмистен.
Бир пақшасы алтыннан,
Бир пақшасы зербарак.

(Қарақалпақ фольклоры, XIII том, 74-бет.)

Қуламат жировда:

Бир пақшасы алтыннан,
Бир пақшасы гүмистен,

¹ Кыдырбаева Р.З. Генезис эпоса «Манас». Фрунзе, «Илим», 1980. -С. 122. (278).

Бир паксасы мерўерттен,
Бир паксасы хан сўйек,
Бир паксасы қус сўйек.

(Қарақалпақ фольклоры, XIII том, 179-бет.)

Анафора шаклидаги товуш уйғунлигига асосланган мазкур бандлар ҳар бир ижодкорнинг бадеҳағўйлик даражасини белгилайди.

Ҳар иккала жировни ҳам бирини иккинчисидан устун қўйиб баҳолаш қийин. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам иқтидорли, маҳоратли ижодкор. Аммо улар ҳамма жиҳатлари билан баробар ҳам эмас. Ҳар бир жировнинг ўзига хос услуби, сўз бойлиги, мусикавий иқтидори мавжуд.

Ўтаниёз жиров варианты бадииятида ёзма нусхаларга хос тасвир устун бўлиб, лексикасида ўзлашма сўзлар анча салмоқдор бўлса, Қуламат жиров вариантыда қаҳрамонлик эпосларига хос услуб бўртиб кўринади ва лексикасида туркий катламнинг нуфузи анча юксак.

Умуман олганда, бу вариантлардаги бадиий услубни ўзбекча матн билан таққослаганда кўплаб умумийликлар ўзини намоён қилади. Бу ҳолат эпосга хос бўлган қадимий аъёналар-эпик клишелар, сайёр формулалар, аъёнавий ўхшатишлар, фонопоэтика ва бошқа қадимий эпик аъёналар билан боғланиб кетади.

Албатта ҳар қандай эпосни миллий ўзгачаликларсиз тасаввур қилиш қийин. Бадииятда ҳам ушбу ўзига хосликни ҳис қилиш қийин эмас. Булар миллий тилнинг лексик бойлигида, бадииятнинг маълум маънода маҳаллий муҳитга боғлиқлигида кўринади.

Достон бадиияти ўз ичига жуда кўп компонентларни камраб олади. Муболаға, метафора, рамз, градация, тазод, риторик сўрок ва мурожаатлар фахриялар ҳам борки, улар ҳам мазкур асарлардан жой олган. Бу ифода воситалари алоҳида тадқиқотни талаб қилади.

ХУЛОСА

1. «Шаҳриёр» достони сюжети жуда қадимий бўлиб, Шарқ ва Ғарб фольклорида турли жанрлар шаклида кенг тарқалган. Достон сюжетининг жуда оммавий ёйилган ҳудудларидан бири Хоразм воҳасидир. Маълумки, ўзбек ва қорақалпоқ халқлари мазкур ҳудудда, қадимдан бери биргаликда яшаб келмоқдалар. Шу сабабли бу қадимий халқлар фольклорида умумийлик, ўхшашлик хусусиятлари кенг доирани ташкил этади.

Бу хусусиятни «Шаҳриёр» достони мисолида яққол кўриш мумкин. Бу достонни ўзбек ва қорақалпоқ достончилари узок йиллардан бери қуйлаб келишган. Ўз навбатида достон XVIII аср охирида ёзма нусхада тарқалиб қиссахонлар репертуарига ҳам ўтган.

2. Достон Хоразмдаги қиссахонлар репертуари орқали қорақалпоқ жировлари репертуарига ўтиб, оғзаки равишда оммалашган ва қатор қайта ишлаш жараёнида муайян ўзгаришларни бошдан кечирган.

«Шаҳриёр» достонининг генезиси форсий манбалар билан алоқадор бўлиб, сўнгги даврларда туркий халқлар фольклорида дастлаб афсона, ривоят, эртақ тарзида оммалашиб, кейин эпос шакллланган. Достондаги Доробшоҳ, Шаҳриёр, Анжум, Шохсувор, Булбулигўё, Аспи жаҳонгир каби исм ва номларнинг оғзаки вариантларда ҳам ўзгаришсиз сакланиб қолганлиги фикримизни тасдиқлайди.

Аммо достон қорақалпоқ жировлари репертуарига ўтгач, исмларда туркийлашиши жараёни бошланган. Юлдуз, Қундуз, Оқдавлат каби исмлар бунинг далилидир.

3. Достон сюжети ҳар иккала версияда ҳам деярлик ўзгаришсиз берилган. Фақат Хоразмдаги вариант ёзма равишда тарқалганлиги сабабли ундаги сюжет қадимий манбаларга жуда яқин. Қорақалпоқ версиясида эса воқеалар кўлами кенг бўлганлиги сабабли унинг таркибига қорақалпоқ халқи орасида тарқалган энг қадимги мифологик лавҳалар ҳам киритилган. Қундошларнинг одамхўрлиги билан боғлиқ деталлар бунинг далилидир. Хоразмда нашр қилинган вариантда воқеалар достоннинг шакллланган давридаги сюжетни ўзида саклаб келган. Негаки, Толиб Толибийнинг «Доробнома» достонидаги сюжет унда деярлик ўзгаришсиз такрорланади.

Қорақалпоқ версиялари, айниқса Қуламат жиров версиясида диний сахналар тушириб қолдирилган. Айрим деталлар шўро даври сиёсатига мослаштирилган. Жумладан, ундаги чўпон образи меҳнаткаш халқдан танланган. Бу образ Ўтаниёз жировда асли ҳолида Балхи Бадахшон подшосининг ўғли сифатида келтирилган.

4. Ўзбек ва қорақалпоқ версияларида сюжет схемасидаги асосий нуқталар уч киз, Шаҳриёрнинг боғи, шум кампирнинг боққа тўнгуртқо (сув қувури) орқали кириши, Булбулигўё, девлар, аспи Жаҳонгир от қаби образ ва деталлар орқали ўзаро тўла ўхшашлик касб этади. Аммо шеърӣй парчаларда айнан ўхшаш мисралар учрамайди. Шеърӣй шаклларда муайян ўхшашликлар — тўртликларга мурожаат қилиш, мураббага хос қофияланишларда кўзга ташланиб қолади. Бу ҳолат қорақалпоқ версияларининг ҳар бирида алоҳидалик касб этади.

Образлар фаолиятида ҳам кескин ўзгаришлар йўқ. Фақат уларнинг характер-хусусиятларида миллийлик ўзини намоён қилиб туради.

5. Версиялараро ўхшашлик бадииятда ҳам ҳамоҳангликка эга. Анъанавий ўхшатиш ва сифатлашларда, анъанавий сайёр мисраларнинг ишлатилишида, эпик клишеларнинг қўлланилишида ўхшашлик анча кучли. Аллитерация ва сажъ усулининг ифодага тортилишида қорақалпоқ версиялари устуворликка эга. Чунки, оғзаки вариантлар сўзлашув нутқига яқин бўлганлиги учун уларда бадеҳагўйликнинг таъсири ёрқин кўринади. Ушбу вариантларда идиомалар, ҳикматли сўзлар ва мақолларнинг ишлатилиши ҳақида ҳам ўша фикрни айтиш мумкин. Мақолларни шеърӣй шаклда бериш ўзбекча ва қорақалпоқ версияларида кўпроқ муштаракликка эга.

6. Достонлар лексикаси хусусида шу нарсани айтиш жоизки, Сўна халфа варианты қўлёзма нусха бўлганлиги сабабли унинг тили XVIII-XIX аср ўзбек адабий тилини ўзида тўла мужассамлаштиради. Унда форсий, арабий лексика, турли изофалар жуда кўп. Қорақалпоқ версияларининг тили халқ тилига жуда яқин. Бирок, уларда ҳам форсий, арабий ўзлашма сўзлар анчани ташкил этади. Айниқса Ўтаниёз жиров варианты ёзма нусхалардаги анъаналарга анча яқинликка эга. Унинг тилида форсий сўзлар кўп. Ҳатто оқ илон, қора илон бирикмалари Қуламат жировда туркий ифода этилган бўлса, Ўтаниёз жиров уларни оқ мор, қора мор тарзида ишлатган. Шунингдек, бу вариантда қўлёзма достонларда ва мумтоз адабиётда учрайдиган шеърӣй диалоглар ҳам бор. Мазкур диалоглар «Хирмондали» достонидаги Ошиқ Ойдин билан Хирмондали

айтишувига, шунингдек туркман адабиётидаги Махтумқули билан Дурди шоир савол-жавобига ўхшаб кетади. Бу эса жировнинг юксак иктидоридан дарак беради.

7. «Шаҳриёр»нинг Хоразм варианты билан қорақалпоқ версияларини қиёслаб ўрганиш энг аввало ушбу халқлар орасидаги қадимий дўстлик алоқаларининг мустаҳкамлигини кўрсатади. «Шаҳриёр» достони асрлар мобайнида ўзбек ва қорақалпоқ қиссахонлари томонидан ўқиб келинган. Оғзаки вариантлар эса ушбу сюжетни янада кенг оммалаштирган. Узоқ йиллар давомида мазкур сюжет ҳар бир халқ ижодкори томонидан муайян даражада қайта ишланган ва эволюцияга учраган.

Эпосни қиёсий-тарихий тамойилда ўрганиш мураккаб масала. Ҳар бир миллат ўз эпосини яратади. Ушбу эпосда унинг турмуш тарзи, характер-хусусияти ўз ифодасини топади. Шу сабабли икки халқ эпосини қиёштирганда ўша халқларнинг этнографик жиҳатларига ҳам аҳамият қаратиш зарур.

Ўхшаш сюжет, ўхшаш мотив жаҳон халқлари фольклорида жуда кўп. Бирок, уларнинг илдизларини очиб бериш нихоятда қийин.

Ўзбек ва қорақалпоқ халқлари қадимдан бир ҳудудда яшаб келаётганликлари учун уларнинг тарихий-этнографик жиҳатлари ўзаро яқинликка эга. Бу эса уларнинг эпосида ҳам акс садо беради.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юсак маънавият-енгилмас куч. -Т.: «Ўзбекистон», 2008. -Б.176
2. Каримов И.А. Озод обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард максадимиз. -Т.: «Ўзбекистон», -2000. Б. 526.
3. Айымбетов Қ. Халқ даналығы. Нөкис, «Қарақалпақстан», 1988. -Б.491.
4. Абдуллаев Х. Халқ дostonлари ва уларнинг вариантлари. -Т.: «Ўқитувчи», 1984. -Б. 122.
5. Гурӯли. Урганч, «Хоразм», 2004. -Б.273. -Б.476.
6. Жирмунский В.М. Тюркский героический эпос. -Л.: Наука, 1974. -С.654.
7. Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведение. Л.: Наука, 1979. -С. 492.
8. Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. -М.: ГИХЛ, 1947. -С.447.
9. Мадрохимова Н.Я. «Ширин билан Шакар» дostonининг қиёсий-типология тахлили (ўзбек ва қарақалпоқ версиялари асосида) Филология Фан. Номзоди дисс. Автореферати. Т.: 1996. -Б. 27.
10. Карриев Б.А. Эпические сказания о Кереглы у тюркоязычных народов. -М.: Вост. лит, 1968. -С.227.
11. Кыдырбаева Р.З. Генезис эпоса «Манас». Фрунзе, «Илим», 1980. -С. 278.
12. Максетов Қ. Дәстанлар, жыраулар, бақсылар. Нөкис, «Қарақалпақстан», 1992. -Б.62-136.
13. Максетов Қ. А.Тажимуратов, Қарақалпақ фольклоры, Нукус, «Қарақалпақстан» 1979. -Б.360.
14. Мирзаев Т. Эпос и сказитель. -Т.: Фан, 2008. -С 410.
15. Максетов Қ. Қарақалпақ қаҳарманлық дәстанларының поэтикасы. -Т.: Фан, 1965. -Б.332.
16. Махмудов Н. Ўқитувчи нутқ маданияти. -Т.: А. Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. -Б. 185.
17. Нурмухамедов М.К. Сказки А.С.Пушкина и фольклор народов Средной Азии. -Т.: Фан, 1983. -С 50.
18. Ошиқнома, II китоб, Урганч, «Хоразм», 2006. -Б. 343-431;
19. Ошиқнома, IV китоб, Урганч, «Хоразм», 2009. -Б.333.
20. «Ойпарча». -Т.: «Фан», 1965. -Б.120.
21. Рўзимбоев С.С. Жанубий Хоразм дostonлари тилининг луғавий-маъновий тахлили («Шаҳриёр» ва «Маликаи Завриё» дostonлари асосида) Филол.фан номзоди дисс. Автореферати. -Т.: 2000. -С.27.
22. Рўзимбоев С. «Шаҳриёр» дostonининг ўзбекча қўлёзма варианты ҳақида. // Адабий мерос. -Т.: 1981.№2. -Б.81-84;
23. Рузимбаев С. Узбекские варианты дастана «Шаҳриёр». // Вестник КК филиала АН РУз. -Нукус, 1983, №2, -С. 76-78.

24. Рўзимбоев С. Эртақларнинг дostonлардаги бир функциясига доир. / Адабий мерос. -Т.: 1989, №2. -Б.70-73.
25. «Соҳибқирон». -Т.: «Фан», 1964. -Б. 122.
26. Сағитов И.Т. Қарақалпақ халқының қаҳарманлық эпосы. Нөкис, «Қарақалпақстан», 1986. -Б.347.
27. Саримсоков Б. Эпик жанрлар диффузияси. // «Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари». -Т.: «Фан», 1981. 112-113-бетлар.
28. Туркмен халқ эртекилери, II том, «Ылым», Ашгабат -1979. -Б.40-45.
29. Шодиева С. «Соҳибқирон» дostonи ва унинг вариантлари. // «Ислом шоир ва унинг халқ поэзиясида тутган ўрни». -Т.: «Фан», 1978. -Б.37-48.
30. Шодиева С. «Ойпарча» дostonи, «Адабий мерос» тўплами. -Т.: 1981, №4, 43-47-бетлар.
31. «Шәриар», Нукус -1959. Сказание о «Шарьяре», Нукус, 1971. С.Сверцев таржимаси; «Шаҳриёр», Ф.Фуллом номли нашриёт. -Т.: 1977. (М.Али таржимаси).
32. «Шаҳриёр», Ф.Фуллом номли адабиёт ва санъат нашриёти. -Т.: 1977. (Мухаммад Али таржимаси). -Б.168.
33. Эгамбердиева Г.М. Эртақ тип сюжетли Хоразм дostonлари поэтикаси. Филол. Фан. Номз. Дисс. Автореферат. -Т.: 2005. -Б.22.
34. Қорақўз ойим. -Т.: «Фан», 1967. -Б. 26.
35. Қарақалпақ фольклоры, XIII том, Нөкис, «Қарақалпақстан», 1984. (нашрга тайёрловчи Қ. Максетов). -Б.234.
36. Хомидов Х. Боқий бўстон таровати. -Т.: Ф.Фуллом номидаги «Адабиёт ва санъат» нашриёти, 1986. -Б.212.

МУНДАРИЖА:

Кириш	3
«Шаҳриёр» дostonининг сюжети ва образлари	
типологияси, улардаги умумийлик ва миллий алоҳидаликлар	9
Бадииятдаги умумийлик ва ўзига хослик	23
Хулоса	39
Адабиётлар	42